

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ

Технология фанини ўқитишининг
инновацион мухитини лойиҳалаш

МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: О.А.Кўйсинов-Низомий номидаги ТДПУ “Технология таълими” кафедраси доценти., п.ф.д., доцент, А.Б.Тўраев- катта ўқитувчи.

Такризчилар: З.Исмоилова – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

Ў.Қ.Толипов - Низомий номидаги ТДПУ “Технология таълими” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	20
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	72
V. ГЛОССАРИЙ.....	96
VI. ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	99

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, Технология фанини ўқитишининг инновацион мұхитини лойиҳалашга оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Технология фанини ўқитишининг инновацион мұхитини лойиҳалаш” модулининг **мақсади**: олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида ўқув машғулотларни инновацион, технологик, аксиологик, акмеологик, креатив, модули-компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва ўтказишга оид янги билимлар, қўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг **вазифалари** куйидагилар киради:

Узлуксиз таълим босқичларида технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш муаммоларини аниқлаш;

Технологик таълим фанларини кредит модул тизимида ўқитишини ташкил этиш;

Технологик таълимга оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлигини ошириш;

Ўқув машғулотларини интерфаол таълим методлар (ўқув лойиҳаси, кейс-стади, SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологиялар)ни таълим жараёнига қўллаш методикасини ўрганиш;

Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикасини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш методикасини ўрганиш;

Олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишининг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш;

Технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш методикасини ўрганиш;

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сұхбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш.

Технология таълимида АҚТдан фойдаланиш методикаси (реал обьектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- технологик таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидағи узвийлигининг аҳамиятини;
- технологик таълимининг предмети ва вазифаларини;
- технологик таълимининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методларини;
- технологик ва касб таълимида асосий дидактик категориялари, қонуниятлари ва принципларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълими билан ҳамкорлигини таъминлаш;
- технологик ва касб таълими жараёнида предметлараро алоқадорлигини (STEAM-таълими) таъминлаш;
- технологик ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- узлуксиз таълим турлариаро технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш;
- технологик таълим фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар асосида кредит модул тизимини ташкил этиш;
- технологик таълимга оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишида инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- интерфаол таълим методлари, ўқув лойиҳаси, кейс-стади таълим технологияларини қўллаш;
- SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишида таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш;
- олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторингини юритиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- технологик таълимнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш (STEAM-таълимининг амалий тадбиқ этилганлиги. Моддий-техник базани ривожлантиришнинг илмий-методик асослари);
- Ўзбекистонда технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларига оид илмий-тадқиқотларни таҳлил қилиш;
- технология фани ўқитувчига қўйиладиган квалификацион талаблар (шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги, технологик таълимини ривожлантиришга оид илфор хорижий тажрибалар) қиёсий таҳлил қилиш;
- олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишининг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш;
- технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнининг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сұхбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш;
 - технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал обьектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ) **компетенциясига** эга бўлиши лозим..

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Технология таълими” йўналиши бўйича машғулотлар назарий ва амалий шаклларда олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараённида ўқитишининг инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерфаол таълим методлари кўлланилиши назарда тутилган: яъни,

- назарий машғулотларда тақдимотлар, мавзуга оид фильмлар ҳамда компьютер технологияларини жорий этиш;
- амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Технология фанини ўқитишининг инновацион мухитини лойиҳалаш” модули мазмуни ўқув режадаги “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Технология таълим мини ривожлантириш стратегиялари” ва “Технологик ва касб таълими дидактикаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетлика келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзуу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва қўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-хукуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгти ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараённида ўқув машғулотларни инновацион, технологик, аксиологик, акмеологик, креатив, модулли-компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикасига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Жумладан			Мустакил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Узлуксиз таълим босқичларида технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари	4	2	2		-	-
2.	Технологик таълим фанларини кредит модул тизимида ўқитишини ташкил этиш. Кредит-модул тизими тамойиллари, турлари, таркибий қисмлари	4	2	2		-	-
3.	Технологик таълимга оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги	2	2	-		-	-
4.	Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикаси.	2	2	2		-	-
5.	Олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишининг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш	2	2		2	-	-
6.	Интерфаол таълим методлари: ўқув лойиҳаси, кейс-стади SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш методикаси.	4	4	-	4	-	-

7.	Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сұхбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётта жорий этиш	2	2		2		
8.	Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш	2	2		2		
9.	Технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш методикаси	2	2		2		
10.	Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторинги	2	2		2		
Жами		22	22	8	14	-	-

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Узлуксиз таълим босқичларида технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари.

Узвийликни таъминлаш педагогик муаммо сифатида. Узвийликни таъминлашнинг психологик-педагогик асослари

2-мавзу. Технологик таълим фанларини кредит модул тизимида ўқитишини ташкил этиш. Кредит-модул тизими тамойиллари, турлари, таркибий қисмлари

Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

3-мавзу. Технологик таълимга оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги.

Технология таълими ўқитувчининг касбий-педагогик мухим сифатлари. Технология таълими ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш тизими. Профессионал ўқитувчи шахси. маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг бошқарув маҳорати, техникаси ва услублари

4 - Мавзу: Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикаси

Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим воситаларининг роли

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Мавзу: Олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишининг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш (2 соат).

Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбатини. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти.

2-амалий машғулот: Мавзу: Интерфаол таълим методлари: ўқув лойиҳаси, кейс-стади SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш методикаси (4 соат).

Интерфаол таълим методлари: ўқув лойиҳаси, кейс-стади SMART-education, алгоритмик харита.

3-амалий машғулот: Мавзу: Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сухбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш (2 соат)

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сухбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этишэ

4-амалий машғулот: Мавзу: Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш (2 соат)

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида интернет тармоғидан ахборотларни излаш, таҳлил қилиш асосида уларда креатив қобилиятни шакллантиришга оид кўнікмаларини ривожлантириш

5-амалий машғулот: Мавзу: Технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш методикаси (2 соат)

Технология таълими йўналишида таҳсил олаётган тингловчиларнинг “Касб танлаш мотивини аниқлаш”, “Ўқувчиларни касбий йўналганлигини аниқлаш” ва “Касб танлашда типик хатоликлар” бўйича амалий кўнікмаларини ривожлантиришдан иборат

6-амалий машғулот: Мавзу: Олий таълим муассасаларида

талабаларнинг билим, қўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторинги (2 соат)

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида меҳнат таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикасига оид кўнималарини ривожлантириш


ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ “SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиши йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



Намуна: Муаммоли таълим ёндашувларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Муаммоли таълим ёндашувларининг кучли томонлари	
W	Муаммоли таълим ёндашувларининг кучсиз томонлари	
O	Муаммоли таълим ёндашувларининг имкониятлари (ички)	
T	Муаммоли таълим ёндашувларини амалда қўллашдаги тўсиқлар (ташқи)	

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” – инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “study” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характеристига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичмабосқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

“Кейс-стади методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш.
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш.
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсикларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш.
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш.

“Кейс-стади” методининг ўзига хос хусусиятлари

- изланишга доир фаолиятнинг мавжуд бўлиши;
- жамоавий ва гурухларда ўқитиши;
- индивидул, гурухли ва жамоавий иш шакллари интеграцияси;

- хилма-хил ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- муваффақиятга эришиш учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим оловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустакил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
 - таълим оловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
 - белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
 - ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: 1. “Харакатланувчи содда қурилмалар (монипулятор, роботлар)”.

2. “Рўзгоршунослик”.

3. “Электроника” тушунчаларини берилган жадвал асосида таҳлил қилинг.

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот

“Венн диаграммаси” методи

Венн диаграммаси – график кўринишда бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун холоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметларни (кўриниш, факт, тушунча) таққослаш, таҳлил қилиш ва

ўрганишда қўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишмасидан ҳосил бўлади.

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишин ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Муаммоли таълим” методи

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш қўйидаги умумий омилларга боғлиқ бўлади:

- ўрганилаётган мавзу юзасидан муаммоли саволлар тизими тузиш;
- қўйилган муаммоли саволлар тизими асосида сұхбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материалларини ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш;
- муаммоли савол асосида изланиш характеристидаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда ўқувчилар ўzlари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар. Натижада ўрганилаётган мавзу материали билан ўқувчилар орасида муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Муаммоли вазиятнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ўқувчиларнинг фаол фикрлашнинг психологик, педагогик қонуниятларини ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш муаммоли таълимнинг асосий гоясини белгилаб беради. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш асосида ҳосил қилинган дарс жараёни муаммоли таълим дейилади.

Муаммоли таълимда ўқитувчи фаолияти шундан иборатки, у зарур ҳолларда энг мураккаб тушунчалар мазмунни тушунтира бориб ўрганилаётган мавзу материали билан ўқувчилар орасидаги мунтазам равишда муаммоли вазиятлар вужудга келтирилади, ўқувчиларни фактлардан

хабардор қиласи, натижада ўқувчилар бу фактларни анализ қилиш асосида мустакил равишда хулоса чиқарадилар ва умумлаштирадилар.

“Агар мен ...” методи

Бу метод орқали ўқувчилардан маълум бир касб кишиси сифатида шу соҳага оид муаммоларни қандай бартараф этиши мумкинлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришларни сўралади. Масалан, “Агар мен автоконструктор бўлганимда ... машинани яратган бўлар эдим” (Агар мен автоконструктор бўлганимда тоғларда ҳам юра оладиган машинани яратар эдим. Бунинг учун машинага вертолётни ҳаракатлантирадиган тизимни қўллар эдим). “Агар мен авиаконструктор бўлганимда ... самолётни яратар эдим” ва ҳ.к.

Бу методнинг энг афзал томони шундаки, бунда ўқувчиларнинг ҳаёлот (фантазия), таққослаш, тасаввур қилиш қобилияtlари тез ривожланади.

“Инсерт” методи

Инсерт – бу ўқув жараёнида ўзини англашни фаол қузатиш учун ўқувчиларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қололмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиётганини тушунмай, ўқиш жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ва ўз англашини кузатмайдиган ҳолларнинг мисолидир.

Инсерт – бу матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-куватлаш учун кучли воситадир.

“САН” (учлик – самарали, аҳлоқий, назокатли) методи


САН методининг мақсади – ўқувчи (ёки тингловчи)ларда якка, жамоавий груп билан ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик қўникмаларини, ишга масъулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш ишлари қўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ўқувчи (ёки тингловчи)лар дарс мавзусига оид топшириқ мазмунидан келиб чиқсан групхаларга бўлинадилар ва уларга груп номлари берилади. Топшириқ мазмuni ва кетма-кетлиги тушунтирилади.





Гурухнинг жойлашуви	
Айлана бўйлаб саволлар	
Катта айлана (айлана атрофида стуллар). Катта айлана (камроқ тайёргарлик кўрганлар). Кичик айлана (кўпроқ тайёргарлик кўрганлар).	
Гурухларда ишлаш, арча шаклидаги парталар	
“Жонли чизиқча” Экспертлар	



Таълим методларини самарали қўллаш мезонлари

Методлар	Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ?	Қандай ўқув материали мазмуни учун бу метод қулай?	Ўқувчиларни нг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали?	Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай хислатларга эга бўлиши керак?
Оғзаки баён методи	Назарий билимларни шакллантириш учун	Ўқув материали асосан назарий ва ахборот кўринишида бўлган ҳолда	Ўқувчилар ўқув материалининг оғзаки баёнини ўзлаштиришга тайёр бўлганда	Ўқитувчи бу методни бошқа методлардан кўра яхшироқ эгаллаган ҳолатда
Кўргазмали метод	Ўқувчиларда кузатувчанликни и ривожлантириш ва ўрганиладиган масалаларга бўлган дикқатни ошириш учун	Ўқув материали мазмунини кўзгазмали воситалар билан гавдалантириш мумкин бўлган ҳолатларда	Ўқувчилар учун кўргазмали воситалар етарли бўлганда	Ўқитувчи қўл остида барча кўргазмали воситалар етарли бўлганда ёки уларни ўзи мустақил тайёрлай олганида
Репродуктив (ўзлаштирилган билимларни қайта баён килиш)	Билим ва кўникмаларни шакллантириш учун	Ўқув материали мазмуни ёки ўтамураккаб ёки жуда содда бўлган ҳолда	Ўқувчилар бу мавзуни муаммоли қилиб ўрганишга ҳали тайёр эмас	Ўқитувчининг бу мавзуни муаммоли қилиб ўргатишга вақти йўқ бўлган ҳолда

Тадқиқот изланиш	Мустақил фикрлаш, тадқиқот олиб бориш ва масалага ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўқув материали мазмуни ўртacha мураккабликда бўлганда	Ўқувчилик мазкур мавзуни муаммоли тарзда ўрганишга тайёр бўлган ҳолларда	Ўқитувчи изланиш методини яхши эгаллаган ва мавзуни муаммоли ўрганиш учун етарли вақтга эга бўлганда
Амалий	Амалий кўникма ва малакаларни равожлантириш учун	Ўқув материали мазмуни амалий машқлар, тажриба ўтказиш ва турли амалий фаолиятли топширикларни бажаришни талаб қилса	Ўқувчилик мазкур мавзу бўйича амалий топширикларни бажаришга тайёр бўлса	Ўқитувчи амалий машғулотларни ўтказиш учун етарлича ўқув ва дидактик материаллар, машқлар тўплами ва ўқув кўлланмаларига эга бўлса
Мустақил ишлаш методлари	Ўқув фаолиятида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш учун	Ўқув материали мустақил ўрганиш учун имкониятини берса	Ўқувчилик мазкур мавзу бўйича мустақил ишлашга тайёр бўлса	Ўқитувчи мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича етарлича ўқув ва дидактик материаллар эга бўлса
Индуктив	Умумлаштириш ва индуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўқув материали дарсликда индуктив тарзда берилгвн ёки уни индуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда	Ўқувчилик индуктив хулоса чиқаришни яхши билиб, дедуктив хулоса чиқаришга қийналаётган бўлсалар	Ўқитувчи таълимнинг индуктив методларидан яхши хабардор бўлса
Дедуктив	Таҳлил қилиш ва дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун	Ўқув материали дарсликда дедуктив тарзда берилгвн ёки уни дедуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда	Ўқувчилик дедуктив фикр юритиш ва хулоса чиқаришга тайёр бўлсалар	Ўқитувчи таълимнинг дедуктив методларидан яхши хабардор бўлса

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.

Режа:

1.1. Узвийликни таъминлаш педагогик муаммо сифатида.

1.2. Узвийликни таъминлашнинг психологик-педагогик асослари.

Таянч тушунчалар: Узвийлик, узлуксизлик, алоқа, алоқадорлик, предметлараро алоқадорлик, ҳамкорлик, узвий алоқадорлик.

1.1. Узвийликни таъминлаш педагогик муаммо сифатида Давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий, маданий ва техник-технologик жиҳатлардаги ривожида таълим-тарбия иши устувор соҳа ҳисобланади.

Таълим-бу жамиятнинг мақсад муддаоларига мувофиқ тизимлаштирилган билим, кўникума, малака ва шахсий фазилатларнинг катта авлод томонидан ёш авлодга ворислигини таъминлайдиган тизим.

Кадрлар тайёрлашнинг асоси ҳисобланган узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантириш ва юқори малакали, кенг ихтисосли меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароит яратиб бериш, яъни янги ижтимоий-иктисодий шароитда юзага келаётган ўзгаришларга муштарак тарзда узлуксиз таълим-тарбия ишини йўлга қўйилишига қаратилган. Зеро, эски (анъанавий) таълим-тарбия тизими замирида янги жамият қуриб бўлмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатdir.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинида таълим-тарбиявий ишларни ҳозирги кун талаблари даражасида ташкил этиб ўтказишида, бу жараёнда бевосита иштирок этувчи ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни мухим аҳамиятга эга бўлиб, маълум маънода унинг сифат ва самарадорлигини оширишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Зеро, ўкув-услубий мажмуалар (таълим стандартлари, ўкув режа дастурлари, дарсликлар, ўқитиш воситалари, дидактик материаллар қабилар) ҳар қанча такомиллашган ҳолда ишлаб чиқилмасин, уларни бевосита амалиётга ўқитувчилар татбиқ этади. Ўқитувчи инсоният жамияти томонидан узоқ ўтмиш тарих давомида тўплаган ижтимоий тажрибасини ёш авлод томонидан ўзлаштириб, уни янада такомилашишида бевосита ворисликни таъмин этади.

Бу ўз навбатида ҳар бир объект (буюм, предмет, ҳодиса, жараён, тирик мавжудот)ни ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганишни талаб этади.

Фан, таълим, ишлаб чиқариш ва амалиёт орасида ҳам мустаҳкам ўзаро алоқадорлик ҳамда узвийлик мавжуд бўлиб, уни таъминлаш ҳам мухим долзарб муаммолар ечимини топиш билан боғлиқ. Маълумки, ёш авлод таълим – тарбияси фақатгина таълим-тарбия муассасаларида эмас, балки оиласда, маҳаллада, жамоада, бир сўз билан айтганда маълум ижтимоий

муҳитда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам оила, таълим муассасалари, жамоатчилик орасида узвийлик ва ҳамкорлик ишларининг йўлга қўйишни тадқиқ этиш муҳим педагогик муаммолар сирасига киради.

Шунингдек, узлуксиз таълим тизими, яъни турли таълим босқичлари орасида узвийликни таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юритидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим).

Чунки, шу пайтгача бир таълим туридан иккинчисига ўтганда таълимтарбия жараёнининг барча кўрсакичларини пастлашишига сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш муаммоси ўз ечимини топгани йўқ. Бу ерда узвийликнинг амалга оширилишини муҳим томони, ҳар қайси кейинги босқичда олдинги босқичда ўзлаштирилганларга моҳирона таяниш ва келгуси босқич учун асос яратиш, яъни ўқитиш жараёнининг узлуксиз, динамик ривожланишини таъминлаш узвийликни амалга оширилишининг муҳим томонидир.

Узлуксиз таълимнинг бир босқичи ёки бўғинидан иккинчи босқичига равон ўтиш, баркамол авлодни шакллантиришни таъминлашда қандай бош йўналишларга диққат-эътиборни кучайтириш кераклигини аниқлаб олиш зарур.

Ўқувчиларни нисбатан паст таълим туридан юқори таълим турига муваффақиятли ўтишлари учун таълим жараёнининг барча ташкил этувчи компонентлари узвийлигини таъминлаш зарур.

Олий таълим муассасалари замон ва истиқбол талабларига жавоб берадиган, кенг ихтисосликка эга, юқори малакали, ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил эта оладиган, янгиликларга интилевчан, мустақил ва ижодий фаолият кўрсатувчи мутахассис кадрларни тайёрлашга йўналтирилган. Бунга узвийликни таъминлаш бевосита ўзининг муҳим ҳиссасини қўшади.

Муаммонинг дидактик йўналиши – узвийликни таъминлашнинг дидактик жиҳати таълим принциплари, мазмуни, шакллари, методлари узвийлигини ишлаб чиқишдан иборат.

Таълим жараёнининг ўзаги, яъни тизим ҳосил қилувчи компонент унинг мақсади ҳисобланади.

Ёш авлодга ижтимоий тажрибани узатиш учун, бу тажрибани педагогик – психологияк, физиологияк жиҳатдан мослаштириш, яъни таълим мазмунига айлантириш керак. Бунинг учун эса инсоният жамияти тўплаган бебаҳо, шу билан бирга улкан тажрибани барчасини эмас, балки энг муҳим тизим ҳосил қилувчиларни ажратиб олиш, қисқа вақт ичида ортиқча зўриқишлирсиз ёш авлод томонидан ўзлаштиришга эришиш зарур. Бошқача қилиб айтганда ўзлаштирилганларни фақатгина хотирада сақлаб қолиш билан чегараланмай, балки уларни ривожлантириш, такомиллаштириш, тинчлик ва фаровонлик йўлида ижодий қўллаш зарур.

Шундай қилиб, узвийликни мухим томони таълимнинг оқилона мазмунини танлаш ва самарали метод, шакл ва воситалар тизимини излашдан иборат. Турли тарихий даврларда таълим мазмунида у ёки бу жиҳат мухим аҳамият касб этиб ўз таъсирини узвийликда топган.

Таълим тизимининг турли бўғинларида унинг мазмунини мақбул тақсимланиши, ўзига хос зарурият бўлиб, ўзлаштириладиган билим, кўнишка, малака ва шахсий фазилатлар орасида узвийлик ва изчиллик асосида амалга оширилади, ташаббускорлик, мустақиллик ва ижодкорлик сир-синоатларини эгаллаш имкониятини беради.

Маълумки, ҳозирги пайтда таълим жараёни жамоавий характерга эга, яъни турли ўқув предметлари ўқитувчилари ўқувчилар жамоаси билан хамкорлик фаолиятини амалга оширадилар. Бундан предметлараро узвий алоқадорликни, ўқитувчиларни ўқувчиларга кўрсатадиган ўзаро таъсиrlаридағи мувофиқликни таъминлашни тадқиқ этиш келиб чиқади. Ўқувчиларга талаб қўйишда изоҳлар, тушунтиришлар, белгилашларда ўзаро мувофиқлик зарур. Ҳозирги кунда барча турдаги ўқув машғулотлар (маърузалар, лаборатория-амалий машғулотлари, семинарлар, ҳисбот, график, курс ва диплом, уй ишлари, синов ва имтиҳонлар ва ҳоказолар)ни ягона ёндашув (талаб) асосида ташкил этишга катта эҳтиёж пайдо бўлди.

Ҳар қандай таълим муассасасида педагоглар фаолиятидаги ўзаро мувофиқликнинг муваффақиятли амалга ошишининг зарурый шарти ўқитувчиларда педагогик-психологик тайёргарлик даражаси билан бевосита боғлик.

Маълум ўқув предмети доирасида узвийлик деганда шу ўқув предмет бўйича назарий материални мунтазам ва кетма-кет ўрганиш, унинг лаборатория ва амалий машғулотлари ҳамда мустақил ишлари мазмуни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш тушунилади.

Ҳар қандай машғулотларнинг алоҳида босқичлари орасидаги узвийлик муаммосини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш зарур. Олий таълим муассасалари шароитида узвийликни таъминлаш самарадорлиги маълум маънода тизимдаги хатти - ҳаракатларнинг бирлигига боғлик:

Ўқитувчи → кафедра → деканат → ректорат. Бунда узвийлик ва уйғунлик кетма-кетлиги, даражаси, кўлами намоён бўлади.

Кўп сонли манбалар ва педагогик амалиётнинг турли соҳаларини таҳлили таълим-тарбия жараёнида вужудга келиб, уни ривожлантиришга ўзига хос тўсик бўлаётган муаммолар мавжудлигидан гувоҳлик беради. Булар асосан бизнинг фикримизча ўрганилаётган обьектларнинг баъзи бир жиҳат ва хусусиятларини бир-бирига боғламасдан лавҳалар шаклида ўрганиш натижасида юзага келиб мантиқан боғланмаган ва тизимлашмаган билимларни ўзлаштирилишига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолатларни бартараф этишда узвийликни таъминланиши мухим аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга диалектик ёндашув ўз ифодасини яхлит ҳолда узвийликда топади. Ўқитишида узвийликнинг

моҳияти янги билим, кўникма, малакалар ва шахсий фазилатлар билан аввалгилари орасида керакли алоқадорликни ўрнатиш, билимни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ўз ифодасини топади.

Узвийликни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнига динамик характер бериб, унинг иштирокчилари фаолиятини ўйғунлаштиради, фаоллаштиради, такрорлаш ва параллелизмни бартараф этади, таълим мақсадлари ва мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методларида ўзаро алоқадорлигини таъминлайди.

Таълимни яхлит тизим шаклида тасаввур этиш унинг асосий компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, истиқболда уни ривожлантириш бўйича яширин имкониятларини топиш, мақбул режалаштириш имконини беради. Бир компонент билан бошқаларини боғлаш, узвийлик, барқарор яхлитлик, тизимлилик ва динамик ўзгарувчанликни таъмин этади. Шунинг учун ҳам узвийликнинг намоён бўлиши, алоқадорлик сифатида талқин этилиши, моҳияти ва кўпкірралилигини кўрсатишида “алоқа” категорияси муҳим. Ўзбек тилининг изохли луғатида “Алоқа” ва “Алоқадор” тушунчаларига қуйидагича изоҳ берилган:

Алоқа 1.Кишилар ёки нарсалар, воқеалар, ҳодиалар орасидаги ўзаро муносабот, ички, узвий боғланиш.

Алоқадор муносаботи, алоқаси бўлган, тегишли, боғли, даҳлдор. **Таълим жараёнида муҳим алоқалар ва муносабатларни тадқиқ этиб ўрганишда илмий билиш категорияси алоқалар мантиқий методологик концепциясидан келиб чиқиши зарур.** Объектив оламнинг қонуниятларини билиш ҳодисалар орасидаги сабаб-оқибатли алоқаларни тадқиқ этиш ва улардан энг муҳимларини ажратиб олиш ҳисобига амалга оширилади. Билиш ҳаракати объектларнинг умумий алоқдорлигидан имкон қадар муҳим алоқаларини ўрнатиш томон ҳаракатланади.

Таълим тизими тузилмасининг алоқадорлигини ёритишида тадқиқотчилар унинг қуйидаги асосий қўринишларини ажратиб кўрсатадилар:

а) универсал қонуниятли алоқа - барча ҳодиса, жараён, жонли зот ва предметларнинг ўзаро таъсири;

б) сабаб-оқибатли алоқа - универсал алоқадорликни имкон қадар энг кичик қисмларга бўлиш, универсал алоқадорликдан ўзаро қонуниятли боғлиқ бўлган иккита ҳодиса ажратилади;

в) функционал алоқа – ҳодисалар ёки ўлчамлар орасидаги барқарор узвий алоқадор шакл, бунда бир ҳодисанинг ўзгариши маълум маънода бошқаларини ҳам ўзгаришига олиб келади.

Тартиблилик (кетма-кетлилик) принципига кўра қуйидаги алоқадорликлар фарқланади:

а) иерархик алоқалар (нима паст, нима баланд, нима имкон қадар муҳим ёки иккинчи даражали);

б) **бошқарши алоқалари** (нима фаол) – имкон қадар тизимлаштирувчи алоқалар, функционал ёки алоқадорликларининг кўринишлари;

в) **тарихийлик нуқтаи назаридан олиб қаралганда узвийлик** муаммоси ижтимоий тажрибани ёш авлодга узатиш талаби пайдо бўлиши билан бирга вужудга келади.

г) **илмийлик нуқтаи назаридан олиб қаралганда узвийликнинг** асосини оламнинг яхлитлиги ва уни ташкил этувчи қисм (элемент)ларини ўзаро алоқадорлиги, муносабатлари ташкил этади.

д) **генетик жиҳатдан узвийлик** ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чуқурлаштирувчи ўқув предметлари сифатида талқин этилиб, предметлараро алоқадорлик, ўзаро алоқадорлик интегратив алоқадорликларга замин сифатида хизмат қилиб, энг камида таълим стандартлари даражасида таълим мазмунини синтезлаш йўли билан мантиқан тугалланган шаклга келтиради. Бундан узвийликнинг ўзаги “алоқадорлик” тушунчаси эканлиги келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам узвийлик жараёнида қаралаётган компонентлар орасидаги алоқадорлик амалга ошади, узвий алоқадорлик ибораси кўлланилади.

Узвий алоқадорлик бу- ўқув жараёнининг бир компонентидан иккинчисига йўналган бир томонлама алоқадорлик тушунилади.

Масалан, қандайдир аниқ бир ўқув предмети бўйича назарий материалнинг лаборатория ва амалий иш мазмуни билан узвий алоқадорлиги ёки машғулотнинг алоҳида босқичлари орасидаги алоқадорлик.

Алоқаларнинг универсал шакли, ўрганилаётган компонентлари орасидаги ўзаро таъсир икки томонлама йўналган бўлса, узвий ўзаро алоқадорлик деб аталади. Бунга типик мисол сифатида педагоглар ва таҳсил олувчилар орасидаги ўзаро таъсирни кўрсатиш мумкин.

Баъзи ҳолларда ўзаро таъсирда диққат-эътибор ўзаро алоқадор объектларга кўчириллади. Предметлараро сўзи ўзига предметлараро ўзаро таъсир тушунчасини қамраб олади.

Предметлараро алоқалар сўзи ўқув предметлари орасидаги ўзаро таъсир натижасида ёки уларнинг таркибий қисмлари орасида ривожланиш жараёни кечишини, яъни ниманидир пайдо бўлишини англатади.

Демак, янгини ўзлаштириш учун предметлар орасида алоқадорлик жараёнининг ўзи амалга оширилади.

Ўқув предметлари мазмуни ёки ҳодисалар орасида ўзаро алоқадорлик мавжуд, лекин маҳсус педагогик фаолият амалга оширилмаса узвийлик амалга оширилмайди. Масалан олий таълим муассасаларида ўрганиладиган умумий педагогика билан касб-хунар педагогикаси ўқув предметлари орасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатишнинг ўзи етарли. Улар орасида чуқур объектив алоқадорлик мавжуд. Лекин, маҳсус ишлаб чиқилган педагогик хатти-ҳаракатлар тизимисиз, яъни ихтисослик ўқув предметларида вазифаларни педагогика билан боғлиқ ҳолда ечимини топишга йўналтирилмаса, улар орасида узвийлик вужудга келмайди. Аксинча, бундай

тизимни фаолият кўрсатиши натижасида, яъни узвийлик таъминланса ўқувчиларда педагогикадан ўзлаштирган билимларни амалда қўллаш кўнику маалакалари шаклланмайди. **Шу нуқтаи назардан олиб қараганда узвийлик ўқув жараёни компонентлари орасида амалга оширилган алоқадорликдир.**

Касбий таълим педагогикасида таълим жараёнини ташкил этиш асосида ётувчи қуйидаги қонуниятли барқарор алоқадорликлар аниқланган:

- Касбий таълимнинг ҳаёт, амалиёт билан боғлиқлиги;
- Касбий таълимнинг фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологиялари ва жамиятнинг маданият даражаси билан боғлиқлиги;
- Касбий таълим ва ривожланишнинг бирлиги кабилар.

Узлуксиз таълим тизимиning бўғинлари орасидаги ўзаро алоқадорликни амалга ошириш муаммоси унинг алоҳида турлари ва босқичлари ўзаро алоқадорлигини диалектик бошқариш долзарб муаммо бўлиб, узвийлик принципи асосида ечимини топиши мумкин.

Кўп олимлар узлуксиз таълим тизимида узвийлик бир ўқув предмети доирасидан чиқиш мумкинлигини кўзда тутиб, мазмунан туташ ва ёндош ўқув предметларини интеграциялаб, яъни бошқа сифат даражасида ўрганиш ҳам мумкинлигини эътироф этмоқдалар. “Узвийлик” тушунчасининг моҳияти нима?

Узвийликни таъминлаш жараёнида обьектлар орасидаги алоқадорлик, янгида эскининг баъзи бир элементларини олиб қолиниб, ривожланиш содир бўлади. Узвийлик асосида инкорни-инкор қонуни ётиб, микдор кўриниш сифат кўринишга ўтади.

Узвийлик табиат, жамият ва билишда намоён бўлувчи обьектив жараёндир. Жамиятга нисбатан узвийлик қуйидаги икки йўналишда қаралади:

- **Узвийлик** - бу ижтимоий ва маданий қадриятларни бир авлоддан иккинчи авлодга узатиш, ёш авлод томонидан ўзлаштириш;
- **Узвийлик** - бу жамият хотирасининг маҳсус механизми, ўтмиш маданияти-маънавияти ҳақидаги ахборотларни сақлаб қолади ва шу асосда янги қадриятлар таркиб топади.

Педагогик энциклопедияда “узвийлик” иборасига қуйидагича изоҳ берилган: “Таълимда узвийлик зарур алоқадорлик ва ўқув предмети қисмларининг тўғри муносабатларини ўрнатилишини кўзда тутади, шунингдек, у узлуксиз таълимнинг ҳар қайси босқичида таҳсил олувчилар билими, қўникумалари ва шахсий фазилатларига қўйилган талаблар билан тавсифланади”.

Ўзбек тилини изоҳли луғатининг янги нашрида узвийликни асоси “узвий” ибораси сифатида қаралиб, унга қуйидагича изоҳ берилган: “Узвий-чамбарчас ҳолдаги, ўзаро боғланган, ажралмас”

Хулоса қилиб айтганда таълим узвийлигини таъминлаш ижтимоий ва маданий соҳаларда авлодлар ворислигини таъминлаш механизмидир.

Олий ўқув юртларида технология таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни бошқа ихтиососликлар бўйича ўқитувчилар тайёрлаш жараёнига нисбатан мураккаблиги ва ўзига хос жихатлари билан ажралиб туради. технология таълими ўқитувчиларининг амалий фаолиятида педагогик, психологик, лойиҳачилик, ташкилотчилик каби қўплаб хислатлари билан боғлиқ холда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчанлик, ишбилармонлик, мустақиллик мужассамлашгандир.

Узвий алоқадорликни таъминлаш кенг қамровли, мураккаб педагогик муаммо. Бу муаммонинг ечимини топишга бағишиланган ишларда уни яхлит ҳолда эмас, балки турли жихатларигина тадқиқ этилган. Лекин узвий алоқадорлик таҳсил олувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълимнинг илмийлиги, амалийлиги, тушунарлилиги, ўзлаштириладиган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларнинг яхлитлиги ҳамда тизимлилигини оширишга хизмат қиласди.

Узвий алоқадорликнинг илмий нуқтаи назардан асосий вазифаси – оламнинг яхлит бирлиги ҳақидаги деолектик ғояларга асосланиб, дунёни билиш. Табиат ва жамиятдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини ёритиб беришдан иборат.

Узвий алоқадор билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ўз навбатда ўрганилаётган ўқув материалининг етакчи ғоясини аниқлаш, асосий тушунчаларининг моҳиятини англаш, унинг мазмунини чуқурлаштириш, кенгайтириш, бойитиш билан бир вақтда атроқ оламда рўй бераётган жараён ва ҳодисаларнинг ўзаро узвий бир-бири билан боғлиқлигини илмий исботлаб беради. Шу билан бирга талабаларнинг онглилиги, фаоллилиги, мустақиллигини таъминлаб, турли фанлардан ўзлаштирган билимларини умумлаштириш малакаларини ривожлантириди.

Узвий алоқадорлик таълимнинг илмий амалий аҳамиятини ошириш нуқтаи назаридан тадқиқ этилиб, дидактик принцип, восита, шарт-шароит кабилар сифатида талқин этилган.

Узвий алоқадорлик узлуксиз таълимда тизимлиликнинг гносеологик шакли сифатида намоён бўлади. Узвий алоқадорликни таъминланиши таҳсил олувчиларда методологик категориялар нуқтаи назаридан умумлаштирилган аниқ билимларни шакллантиришига имкон беради. Шунинг учун ҳам узвий алоқадорликнинг таълим-тарбия жараёнидаги методологик воситаси турли фанлар ўзлаштирилган хилма-хил обьектларнинг бирлиги (яхлитлиги)ни таъминлашдан иборат. Ушбу яхлитлик дастлаб илмий далилларнинг алоқаси даражасида қайд этилиши сабабли олий ҳамда малака ошириш таълим турларида таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш, таҳсил олувчиларнинг қизиқишлигини ошириш ҳамда уларда илмий дунё қарашни шакллантириш омили деб талқин этилди (қаралади). Узвийлик назарий таълим билан ишлаб чиқариш таълими ва амалиётининг бирлигини таъминлашга, яъни ўзлаштирилган билимларни амалий топшириқларнинг ечимани топишда қўлланишига имкон беради. Демак, барча таълим

турларида ўқув режасига киритилган ўқув предметлари таҳсил олувчиларда билим, хатти-харакат ва шахсий фазилатлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган. Бунга эса узвий алоқадорликни таъминламасдан эришиб бўлмайди.

Узвий алоқадорликнинг методологик асоси бўлиб моддий алоқанинг яхлитлиги, назария ва тафакурнинг ўзгариши ҳамда диалектик ривожланиши ҳисобланади.

Узвий алоқадорликнинг психофизиологик асоси эса инсон фикр юритиш табиатидан келиб чиқади. Чунки узвий алоқадорлик ўрганилаётган обьектларнинг турли жиҳатларини яхлит ҳолда билишга имкон бериб, кўлами жиҳатидан кенг ва чукур, моҳиятига кўра эса яхлит тизим шаклидаги билим, хатти-харакатлар ҳамда шахсий фазилатлар шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласди. Узвий алоқадорлик оламни илмий асосланган ҳолда яхлит билишнинг омили сифатида турли фанларга оид билимлар орасидаги алоқаларини диолектик ривожлантириш йўлларини кўрсатади, ушбу қайта ишлаш ва умумлаштириш натижасида ҳосил бўладиган ўқув материалини узвийлашган ўқув материали деб аташга ҳамда таҳсил олувчиларда илми йдунёқарашни шакллантиришга имкон буради.

Узвий алоқадорлик узлуксиз таълимни мақбуллаштиришнинг мухим омили эканлиги сабабли уни амалга жорий этишдаги асосий қийинчиликлар сифатида қўйидагилар:

- турли ўқув предметлари мазмунида ўзаро мувофиқлаштирилмаган атамалар ва белгиларнинг кўлланиши;
- дастурий ўқув материалдан асосий ғоя, назария ва қоидаларнинг ажратиб олинемаганлиги;
- илмий билимларнинг ички алоқадорлигини таъминланмаганлиги, яъни уларни мантиқан туганланмаган ҳолда ўрганилаётганлиги;
- ўқув режасига кирган ўқув предметларининг тарқоқлиги, яъни уларнинг мазмунан узвийлиги ва изчиллигини таъминланмаган ҳолда ўрганилаши кабилар.

Узвийликнинг дидактик жиҳатдан мухимлиги қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- узвий алоқадорлик мукаммал билим, хатти-харакат усуллари ва шахсий фазилатлар шакллантириш ҳолда ривожлантиришнинг зарурий шарти;
- яхлит моддий дунёнинг турли жиҳатларини диалектик ривожланиш тарзида билишда таълим мазмунинг барча ташкил этувчи компонентларини органик алоқадорлигини талаб этиши;
- замонавий фан ютуқлари асосида янги техника, илбор ишлаб чиқариш технологиялари, янгича хўжалик юритиш ва мулкчилик шакллари кабиларнинг илмий асосларининг моҳиятини англаб этишга имкон бериши;
- ўқув режаларига кирган ўқув предметларининг ўрганишни мазмунан ва жараёний жиҳатларини мувофиқлаштирилишини;

- узвий алоқадорлик маълум миқдордаги ўқув материалининг турли ўқув предметларидан тақрорланиши бартараф этиши, ўқув вақтини техаш ва таҳсил олувчилар ўқув-билиш фаолиятларини воситасида таълим-тарбия жараёнига иқтисодий самара бериши;

- таҳсил олувчиларда илмий асосланган билимлар асосида ишончли изланувчан касбий фаолият кўрсаткичлари учун имкония яратади. Хуноса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, узвий алоқадорликнинг том маънодаги вазифаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг турли-туманлигининг асосий сабаби унга турлича ёндашилганлиги ва унинг кўп қирралилигидир.

1.2. Узвийликни таъминлашнинг психологияк-педагогик асослари.

Хозирги замон ва истиқбол талабаларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифаси узлуксиз таълимнинг босқичли (бакалаврият ва магистратурадан иборат) олий таълим муасссаларига юклатилган бўлса, амалий фаолият кўрсатаётган кадрларни ҳаёт билан ҳар доим ҳамнафас булишларини таъминлаш муаммоси малака ошириш курслари зиммасига юклатилган. Маълумки, мутахассис кадрларининг олий таълим муасссаларида ўзлаштиилган биим, хатти-ҳаракат усуллари ва касбий маҳоратлари таълимнинг илгарилаб юриш принципига амал қилинган бўсада, узоқ давр мобайнида ўз кучини тўлақонли сақлаб қолмайди. Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш технологияларини тезкорлик билан ўзгариши, ижодкорлар, илғорлар тажрибалари ва қўплаб бошқа олимлар мунтазам равишда малака ошириш жараёнида энг аввало олий таълим босқичлари орасида узвийликни таъминлашини кун тартибдаги долзарб масала сифатида қўяди.

Кўп сонли тадқиқотчи олимларнинг хуносасига кўра малака ошириш муассасаларига келган тингловчиларнинг 28,7 фоизи олий ўқув юртидаги ўқитиши, айниқса, методик тайёргарликни замоновий таълим муасссаларида фаолият кўрсатиш учун етарли эмас деб биладилар. Бу кўрсаткични бевсита касб таълими ўқиувчилари мисолида кўрадиган бўлсак, масала жуда ачинарли ҳолда эканлигига амин бўламиз. Чунки, ҳеч кимга сир эмаски, фақат касб таълими факультетига киравчиларгина бўлажак мутахассислиги, яъни касб таълими фанлари бўйича кириш имтиҳонлари топширмайдилар. Бу ҳол ўз навбатида касб-хунар таълимига бўлган қарашларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш ҳамда уларни малака оширишда тизим ҳосил қилувчи омил сифатида касбий фаолият этроф этилиб ёзма тарздаги модел сифатида, у ДТС ва ТТС, ўқув режаларда ўз ифодасини топиши зарур. Чунки касбий тайёргарлик жараёнида ўзлаштирилган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлар амалиётда ўз татбифини топади. Билимлар амалий фаолиятда қўллансангина, ўз қийматига эга бўлади. Шундагина умумилмий ва умумкасбий ўқув предметлари маҳсус ўқув предметларига асос сифатида тан олиниш билан бирга ўз автономлиги ҳамда тузилмасини сақлаб қолади. Умумилмий, умумкасбий ва маҳсус ўқув предметлари имкон қадар параллел ёки қисқа муддатли фарқ билан ўрганилишига имкон берадиган ўқув режалари мақбул ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик жараёнида юқорида зикр этилган ўқув предметлари туркумини босқичма-босқич ўзаро алокадорликда ўрганиш дидактиканинг оддийдан мураккаб томонига ҳаракатланиш асосий принципи билан мос тушади. Шунингдек умумилмий ва умукасбий ўқув предметларининг касбий йўналганлиги таъминлашда таҳсил олувчиларни фаоллигини таъминлашнинг муҳим заҳиралари мавжуд. Оқилона касбий йўналганликни таъминлаш учун ўқув материалини нисбатан тез ўзгарувчан “қобиқ” ва барқарор қисмга “ядро” қисмга ажратиш зарур. Назарий билимлар йифиндиси (принциплар, назариялар, асосий қонунлар) ўқув предмети мазмунинг тизим ҳосил қилувчи ядрои деб юритилса, далилий ва амалий материал нисбатан тез ўзгарувчан, яъни қобиғини ташкил этади.

Умумиллий ва умукасбий ўқув предметлар мазмунининг асосий ядро қисм барча мутахассислар учун бирдай ўзгармас бўлиб, унинг қобиқ қисми мутахассисликлар ҳамда ихтисослик бўйича далилий ва амалий кўринишида яъни ўзгарувчан бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда касбий йўналганликни амалга ошириш механизмни кўрсатиш мумкин. Энг аввало шуни айтиш зарурки, ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитадиган курси учун предметлараро алокадорликни таъминлаш мақсадида далилий ва амалий тадбиқ этиладиган материал танлаши зарур, уларнинг бўлажак касбий фаолиятидаги ўрнини кўрсатиш билан бир вақтни ўзида таҳсил олувчиларни фаоллаштиради ва амалий татбигини кўрсатиб ишониради. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси тараққиётида муҳандис-педагогларнинг роли” мавзусида турли йўналишлар бўйича унинг амалий тадбиғини кўрсатиш мумкин. Умумилмий ва умукасбий ўқув предметларнинг касбий йўналганлигини таъминлаш билан таҳсил олувчиларни қизиқишлиарини ошириш билан бирга касбий ғуур ҳис-туйғулари шакллантирилади.

Олий таълим муассаларида касб таълими ўқитувчилари тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизими орасида илмий асосланган узвийликни таъминлаш самарали йўналишлардан бири ҳисобланади.

Касбий тайёргарлик ва малака ошириш тизимлари орасида узвийлик деганда ўқув материалининг мақбул кетма-кетлиги тушинилиб, унинг натижасида максимал даражада касбий-педагогик билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар таркиб топишга имкон беради.

Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш орасидаги узвийлик қатъий тизим асосида билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлари ўзлаштиришга, ривожлантиришга имкон бериши керак. Узвийликни амалга ошириш мақсадига мувофиқ педагогик ишларни кўзда тутади. Юқорида зирк этилган тизимлараро узвийликнинг таъминланиши амалдаги ўқитувчилар тез фурсатларда янгиликлар ўрганилиб амалда қўллашларига, яъни ҳаёт билан ҳамнафас бўлишларини ўзлаштириш қўйидаги икки омилни ҳисобга олган ҳолда амалга ошиши мумкин:

- 1) ўқув предметлари мазмуни ва мантигини;
- 2) билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш қонуниятларини.

Касб таълим ўқитувчилари тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимлари орасида мақбул узвийликни таъминлаш учун кўп сонли олимлар ва амалиётчи ўқитувчилар томонидан таклиф этилган “Ўқитиши жараёнининг мақбул тузилмаси” ва “муаммоли ривожлантирувчи таълим” концепцияларига таяниш зарур. Бунда педагогик жараённинг компонентларини қамраб олиш билан бирга таҳсил олувчиларнинг онгли мустакил изланувчан ўқув-билиш фаолиятларини ўйғунлаштириш керак.

Узвийликни ўрнатишда муҳим вазифа ички ва ташқи алоқадорлик тизимини мақбуллаштириш саналади. Бундай алоқадорликни амалга ошириш учун мақбул шарт-шароит яратиш, ўқув режаларида предметларни ва дастурларда мавзуларни мақбул жойлаштириш, муҳим ўқув материалини ажратиш, машқ ва лаборатория – амалий ишлар тизимини ишлаб чиқиш ва шу кабилар зарур.

Олий касбий педагогик тайёргарлик ҳамда уларнинг малакасини ошириш узвийликни моҳияти узвийлик алоқадорлиқда ўз ифодасини топади ва предметлараро, мавзулараро турлича кўринишдаги алоқадорлик тушинилади.

Турли ўқув предметлар мавзуларини режалаштириш тузилмасини мақбуллаштириш учун ўқув материалини граф ва матрица ҳамда назарий методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Узвийликни ўрнатишда ўқув предметларининг ички ва ташқи алоқалар тизимини мақбуллаштириш муҳим вазифадир.

Узвийликнинг умумпедагогик муаммолари қуйдаги масалаларни кўзда тутиб, мақбул касбий педагогик тайёргарлик кетма-кетликни таъминлайди: энг аввало, малакали педагогларга жамият томонидан қўйилган талаблар аниқланади; иккинчидан, таълим ва тарбиянинг ягона мақсадлари ўйғунлиги ўрнатилади; учинчидан, таълим мазмуни, моддий-техник ва илмий-услубий таъминотга қўйилган талаблар аниқланади; тўртинчидан, ўқув предметларнинг кетма-кетлиги таҳлил этилиб, улар орасидаги алоқадорлик ўрганилади; бешинчидан, шаклланиши кўзда тутилган билим, хатти-харакат усулларини мўлжалга олувчи топширик (вазифа)лар рўйхати ишлаб чиқилади.

Узвийликнинг дидактик муаммолари – илмий асосланган таълим мазмуни, шакли, методлари ва воситаларини танлашни таъмин этади. Дидактик материалнинг мантиқий тузилмасини ишлаб чиқиш ва унга ўйғун таълим шакл, метод ва воситаларини қўллаш.

Узвийликнинг тарбиявий муаммолари – бозор мунасабатлари шароитида мустакил республикамизни жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгалашига хизмат қиласидиган мутахассис кадрларни тарбиялашдан иборат.

Таълим-тарбия ишида таҳсил олувчиларнинг ёши, индивидуал хусусиятлари, шарт-шароит, ўзининг имкониятлари кабиларни ҳисобига олиш, улар онги ва қалбига ишончли таъсир қилиш ўқитувчи меҳнати муваффақиятининг гаровидир. Бўлажак ўқитувчиларда ана шундай хислатларни шакллантириш олий таълим муассаларида амалга оширилади.

Рус олими В.А. Мудрик қўйдаги хислатларга эга шахслар ўқитувчилик касбини танламаслиги керак деб билади:

- соғиги ёмон бўлиб, ундан фориф бўлишга ишонмаса;
- ўз устида узоқ ва мунтазам мешақатли ишлашига қарамай, нутқидаги нуқсонларни бартараф этиш имконияти бўлмаса;
- одамлар билан яхши мулоқот, муносабат мухитни яратса олмаса;
- ёшлилар ва катталарга нисбатан барқарор ғазабланиш ҳамда улар билан келиша олмаслик (ҳамкорлик қила олмаслик) руҳи бўлса;
- дўйстлари ва атрофидагилари унда олийжаноблик, эзгуллик, инсонпарварлик этишмаслинни, ноҳақлик, устунлик ва характерининг ёмонлигини мунтазам кўрсатиб келган бўлса;
- халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, жамият тараққиётига бефарқ бўлса.

Ҳар қандай касб соҳиби каби ўқитувчилик касбидаги ҳам қийинчиликлардан кўркиш, чекиниш, унинг камолоти тўхташини англаради. Шунинг учун ҳам, ўқитувчи ўз касбий маҳоратини ошириш борасида мунтазам мустақил ҳолда ишлаши шарт. Демак, изланувчанлик, ижодий фаолият, касбий камолот асоси бўлиб, у илмий билимга ва тажрибага асосланади. Билим шундай кучки, унга олам сир-синоати дош бера олмайди. Лекин, шуни ҳам унутмаслик керак-ки, билимга элтувчи ягона йўл – бу мешақатли меҳнатdir.

Замон талабларига ҳамнафас касб таълими ўқитувчиси қийин ўқув материали эмас, балки ўзлаштирилиши қийин бўлган ўқитувчининг изоҳи мавжуд, деган қабилида иш юритиши керак. Ўқув материалининг ўзагини ташкил этувчи тушунчалар орасидаги боғлиқлик, унинг мураккаблиги ва мантикий тузилмасини белгилайди. Ўқитувчи томонидан материални таҳсил олувчилар ёши, тайёргарлик даражаси, индивидуал хусусиятларига мос содда, тушунарли ва қисқа баён эта олмаслиги, унинг энг катта камчилигидир.

Ўқитувчининг касбий-педагогик фаолияти мажмуавий характерли бўлиб, жуда кўплаб ватандош ҳамда хорижий олимлар томониан тадқиқ этилиб, қўйидаги ўзаро алоқалар вазифаларни бажариши кўрсатилган:

- лойиҳаловчилик – таълим тури, мақсади, мазмуни ва вазифалари, таҳсил олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, шарт-шароит, ўзининг тайёргарлик даражаси кабиларга муштарак ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи компонентларни уйғунликда режалаштириш;
- ташкилотчилик – қўйилган мақсадга етишиш учун таҳсил олувчилар жамоасини ташкил этиб, уларни ўқиб-ўрганишга сафарбар этиш;
- фикр алмашиш (коммуникатив) – инсон – инсон муносабатлари ва мулоқотини ўрганиш, таҳсил олувчилар онгига ҳамда қалбига йўл топиш, уларни ишонтириш;
- ахборотчилик – ўзи ўқитаётган ўқув предмети бўйича асосли, чукур ва пухта, ёндош ҳамда туташ фанлар бўйича ҳам етарли билим, хатти-харакат усуулларига эга бўлиб, таҳсил олувчиларга етказа олиш;

- ривожлантирувчилик – ижтимоий буюртма, таълим тури, мақсади, вазифалари, шарт-шароит, таҳсил олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари кабиларни ҳисобга олган ҳолда уларни ақлий, ахлоқий ва жисмоний ривожлантириш;
- йўналтирувчанлик – таҳсил олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари: ёши, қизиши, мойиллиги, қобилияти кабиларни ҳисобга олган ҳолда Е.А. Климов кўрсатиб ўтган: инсон-инсон; инсон-техника; инсон-фан; инсон-санъат; инсон-табиат фаолияти соҳалаига йўналтириш;
- тадқиқодчилик – давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги, тинчлигини кўзловчи долзарб ҳамда истиқболли муаммоларнинг ёнимини топишда ижодий изланиш, фаол иштирок этиш, тажриба-синов ишларини олиб бориш, ғояларни илгари суриш;
- техник-технологик – ўзининг касбий-педагогик маҳоратини ошириш, ўқув юртининг моддий-техник, ўқув-услубий таъминотини мустаҳкамлаш, таълим мазмунига янги техника, илгор ишлаб чиқариш ва педагогик технологияларни киритиши.

Санаб ўтилган ва бошқа кўплаб вазифаларни умумлашган ҳолда, мўлжалга олиш, амалга ошириш ва назорат қилиш босқичларига бўлиш мумкинлигини П.Я. Гальперин кўрсатган. Бу тур ва босқичдаги вазифаларни бажариш учун ўқитувчи шахсида қўйдагилар мужассамланмоғи лозим: ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, психологик, педагогик, миллий-ғоявий, илмий-табиий, математик, техник-технологик, демографик, табиий-физиологик, экологик, хуқуқий, нафосат, умуммаданий каби билимлар; ақлий, жисмоний, касбий-педагогик ва маҳсус малакалар, ижобий-шахсий фазилатлар.

Юқоридагилардан касбий-педагогик фаолият, хусусан, технология таълими ўқитувчисининг фаолияти мажмуавий характерга эгалиги келиб чиқади. Шунинг учун ҳам, уни тадқиқ этишда тизимли ёндашиш зарур. Тизимли ёндашиш асосида яхлитлик тамойили (принципи) ётиб, ўрганилаётган обьектнинг барча ташкил этувчи элементлари, жиҳатларини ўзаро узвий алоқадорлик ҳамда муносабатда деб талқин этилади. Тизимни ташкил этувчи компонентларнинг бирлиги, уни тузилиш жиҳатидан яхлитлигини таъминлаш билан бирга ривожланиш йўналишини ҳам белгилайди. Бунда, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка, маълумдан номаълумга, тарихийликдан мантиқийликка, сабабдан оқибатга каби қонуниятларга таяниб иш кўрилади. Тизимга кирувчи таркибий қисмлар орасида ўзаро алоқадорлик ва мувофиқлик бўлмаса, у яхлит тизим сифатида ўз функциясини бажара олмайди.

Педагогик тизим учун ҳам энг муҳими, унинг яхлитлиги ва таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ва муносабатларидир. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлашни такомиллаштиришда тизимли ёндашувдан фойдаланиш бир вақтнинг ўзида таълим тури, вазифалари, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш шарт-шароити, методлари, воситалари,

таҳсил олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, моддий-техник, ўқув-услубий таъминоти кабиларни ҳисобга олиш кўзда тутилади.

Маълумки, кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида ҳам ёш авлодга “нима” ўргатиш керак, деган масалага катта аҳамият берилган бўлиб, таълим мазмунини кўзда тутган. Таълим мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режаси ва дастурлари, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар, дидактик материаллар кабиларда ўз ифодасини топади. Таълим мазмуни стандартда тайёрланаётган мутахассисга қўйилган талаблар мажмуи сифатида, ўқув режаларида ўқув предметлари кўринишида, ўқув дастурларида эса аниқ номдаги ўқув предмети мазмуни, уни ўрганиш тартиби, ҳажми, тузилмаси кабиларни ўзига қамраб олади. Ўқув предметининг мазмуни у тегишли бўлган фан, мутахассисларнинг амалий фаолияти, мутахассислар бевосита мулоқотда, муносабатда бўладиган обьектлардан етарли ва зарур даражада танлаб олинади ҳамда тизимлаштирилади. Унинг етарли ва зарурий даражаси давлат таълим стандартлари талабларини қондиришга хизмат қиласи.

Касбий таълимни муваффақиятли амалга ошиши энг аввало, таълимнинг мазмуни билан белгиланади. Таълим мақсадлари ва мазмунига мос ўқув-билиш фаолиятини психологик жиҳатдан асосланганлиги, яъни психологик асослари муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи ўз ўқув предметини, ўзи ўқитадиган фан қонуниятларини яхши билибина қолмасдан, балки таълим – тарбия қонуниятларини ҳам яхши билиши, ўзлаштириш жараёнининг қандай бораётганлигини, ўқувчиларнинг ўқув билиши қандай кечаётганлигини ҳам яхши билиши керак.

1. Таълим олувчининг ўқишига муносабати-диққатга, ҳис-тўйғуларда, қизиқишилар ва ирода, шунингдек, шахснинг тутган йўлида намоён бўлади.

Диққат одам онгининг обьектига ёки бирор фаолиятига қаратилиши, йуналтирилишидир. Диққат бўлмаса бирор ишни қилиб бўлмайди.

Ихтиёrsиз диққатнинг юзага келишига ўқув материалининг мазмуни, таъсирчанлиги, равshanлиги, бир-биридан фарқланиши ёки бошқача айтганда обьектив омиллар сабаб бўлади.

Дарсда фаол таълим омилларидан фойдаланиш ихтиёrsиз диққатни вужудга келтиради. Бироқ таълим-тарбия иши оддий эрмак эмас, балки ўқув-билиш фаолиятини талаб этувчи меҳнат бўлгани учун онгли ихтиёрий диққатни талаб этади. Ихтиёрий диққат бўлган пайтда ўқувчи бутун вужуди билан тинглаш, кўриш, моҳиятини англаш, яъни фикр юритишга ўзини мажбур қиласи.

Ўқитувчиниг вазифаси машғулот пайтида фақатгини мухитни юзага келтиришигина эмас, балки ўқувчиларнинг ўрганилаётган обьектларни идрок этишга тайёр туришларини таъминлашдан ҳам иборатдир. Шу ўринда бутун машғулотни ихтиёрий диққатга асосланиб амалга ошириб бўлмаслиги, чунки

у кишидан жуда катта зўриқиши кучларини талаб этишини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

2. Ўқитишининг эмоционаллиги – узатилаётган ахборотлар ўқувчиларда ўқиб-ўрганишга, билишга, ҳис-туйғу қизиқиши уйғотиш билан боғиқ ҳолатдир. Ўқувчилардаги қувонч, ишонч, истиқбол ҳис – туйғулар вужудга келиши материални мукаммал ўзлаштириш имконини беради.

Таълим мазмунининг мураккаблашиши, ҳажмини ортиши, ўқув вақтини қисқартирилиши кабилар касб-хунар таълимида муҳим муамолар келтириб чиқаради. Эмоционал ҳолат ўқув-билиш фаолияти – ҳақиқий ижод, қувонч, юксак сифат ва самара гаровидир.

3. Ўқиб-ўрганишга қизиқиши - ўқувчиларни эмационал ҳолати, бирор фаолиятни танлашга муносабати ва йўналишидир. Қизиқишлиар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Қизиқишида ўқувчининг ўқиб-ўрганишга фаол муносабати намоён бўлади. Қизиқиши ўқувчига материални мукаммал ўзлаштириш, ақлий қобилиятни ривожлантириш, дунёқарashi доирасини кенгайтириш имконини беради. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар қизиқишиларини чукурлаштириш, кенгайтириш, маълум омиллар воситасида таъсир қилиб, истак ва майлга айлантиришдир.

4. Ирода - муайян мақсадга эришиш йўлида вужудга келадиган қийинчиликларни енгиш, чалғитадиган омиллардан ўзини тия олиш, ўқиб-ўрганишга иштиёқ кабиларда намоён бўлади. Демак, фақат истак, мақсад билан кифояланмай интилиш ва иродавси мустаҳкам бўлиш орқали ўқув материали ўзлаштирилади, унинг моҳияти англаради, амалга жорий этиш бўйича хатти-ҳаракат усуслари шаклланади. “Ирода ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларида – масалани ечишга, қўйилган саволга жавоб топишга ва ҳоказоларга интилишда ҳам намоён бўлади”. Иродани ўстиришда ўқувчилар кундалик иш тартиби (режими), ўқиш ва оқилона дам олишни бир-бири билан тўғри алмаштириб туриш муҳим аҳамият касб этади.

5. Йўл-йўриқ - касбий тайёргарлик жараёнида материалнинг назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятини қўрсатиб, ижобий муносабатларни таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўқув материалларидан муҳимини эслаб қолиш зарурлиги, бу асосда ўқувчилар кейинчалик баён ёзишлари ва маълум муддатдан сўнг 53,5% сўз ва жумлалар хотирада сақлаб қолинишида йул – йўриқ муҳим аҳамиятга эга эканлигини М.Г. Давлетшин қўрсатиб ўтган.

“Билиш жараёни мураккаб фаолият бўлиб, унда жонли мушоҳададан абстракт тафаккурга, абстракт тафаккурдан амалиётга ўтилади, ана шундан сўнг объектив ҳақиқат билиб олинади”.

Идрок қилиш жараёни эшитиш, кўриш, ҳис этиш, ушлаб билиш кабилар орқали амалга оширилади. Ахборотни узатилиш суръати ўқувчиларнинг фикрлаш суръатларига мос бўлиши керак, деган психологик қонуният мавжуд.

6. Кузатиш – муайян соҳа ҳодисаларини мунтазам ва узоқ вақт атайлаб махсус идрок этишдир. Шахснинг энг муҳим сифатларидан бири кузатувчанликни шакллантириш зарур. Кузатувчанлик ўқувчининг табиат,

ижтимоий ҳаёт ҳодисаларидаги (ўқув материалидаги) ўхшашлик ва тафовутни сезиб олишда, мухим ҳамда зарур нарсани ажрата билишда ўз ифодасини топади.

Касбий таълим-тарбия жараёни ўқувчилар томонидан ДТС (ТТС), доирасидаги билимларни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, уларни амалда қўллашга оид хатти-ҳаракат усуллари, шахсий фазилатлар шакллантиришни кузда тутади. Касбий таълимда хотира ва тафаккур жараёнлари мухим аҳамият касб этади.

7. Хотира – инсон тажрибасида маълумотларни эслаб қолиш ва кейинчалик яна эсга туширишдан иборат ақлий фаолиятдир. Психология фани ўқув материалини эслаб қолиш тезлиги, тўлиқлиги, аниқлиги ва мустаҳкамлигининг муайян шартларини аниқлаган. Ўқув материалини эслаб қолишида сезги органлари қанчалик кўп иштирок этса, унинг шунчалик пухта эсда қолиши аниқланган. К. Д. Ушинский табири билан айтганда, ўқувчи хотирасида бирор нарсани пухта ўрнашиб қолишини истаган педагог болаларнинг кўпроқ сезги органлари – кўзлари, кулоқлари, товушлари, мускул ҳаракатлари сезгисини ва ҳатто, имкон бўлса, ҳид ҳамда таъм билиш органларининг ҳам иштирок этиши ҳақида ғамхурлик қилиши зарур. Ўқитувчи кўрсатмали воситаларни қўллашда ана шу психологик қонуниятларга таянади. Эслаб қолиш тезлиги, тўлиқлиги аниқлиги ва мустаҳкамлиги эслаб қолинадиган материални билишга, моҳиятини англаб олишга боғлиқдир.

Ҳажм жиҳатдан катта бўлмаган ва тушунарли бўлган материални бир бутунлигича ўрганиш зарур. Катта ҳажмдаги материални қисмларга бўлиш ва бирини кетидан иккинчисини (маъно жиҳатдан боғланадиган қисмларни) ўрганиш керак. Хотираси бўлган одам билимлар эгаллайди, малака ва кўнишка ҳосил қиласди. Унинг ақлан фикрлаш доираси кенгаяди.

Ҳаёл – идрок қилинмайдиган (масалан, тарихий воқеалар, географик обьектлар ва бошқалар) обьектларни тасаввур этишда ўз ифодасини топадиган ақлий қобилиятдир.

8. Ижодий тафаккур – киши ақлий фаолиятининг юксак шакли бўлиб, реал борлиқнинг билвосита ва умумлаштирган инъкосисиз, борлиқ олам обьектлари орасидаги алоқа ва муносабатларнинг акс этиши, улар умумий хоссаларини акс этиш жараёнидир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Кадрлар тайёрлашнинг асоси нималарда ўз аксини топади?
2. Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинида таълим-тарбиявий ишларни талаблари даражасида ташкил этиш ва ўтказиши.
3. Узвийликнинг педагогик ва психологик моҳиятини баён қилинг.
4. Муаммонинг дидактик йўналиши деганда нимани тушунасиз?
5. Маълум ўқув предмети доирасида узвийлик ҳақида фикрингизни баён қилинг.
6. Алоқадорликнинг асосий кўринишларини баён қилинг.

2-МАВЗУ. ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИ КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ ТАМОЙИЛЛАРИ, ТУРЛАРИ, ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.

Режа:

1. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари.
2. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

Таянч тушунчалар: *Кредит тизими, ECTS кредитлари,*

1. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 8 октябрида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тӯғрисида»ги Фармони имзоланди. Ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатда “республикадаги камидаги 10 та олий таълим муассасасини ҳалқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўtkазиш белгилаб берилди.

Шунингдек, 2030 йилга қадар республикадаги барча олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг 85 фоизи, жумладан, 2020/2021 ўқув йилининг ўзида 33 та олий таълим даргохини кредит-модуль тизимига ўтказиш кўрсатиб ўтилди.



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришнинг таклиф этилиши, мактаб

битирудчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичмабосқич ошириб бориш, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта қўриб чиқиши, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробар қисқартириш, олий таълимдада ўкув жараёни кредит-модуль тизимиға ўтказиш, қатор олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтказиш, таълим соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини таълим соҳасига ҳам кенг татбиқ этиш масалалари шу куннинг долзарб масалалари эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу мурожаатномада биринчи ўринга халқнинг билим даражасини ошириш масаласи қўйилган, бу эса миллатнинг рақобатбардошлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, табиийки, ушбу ҳужжатда замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий таълим тизимини яратиш муаммосининг элементлари ҳам ўз аксини топган.

1999 йилда 29 та давлат томонидан Болонъяда ягона таълим мұхитини яратиш жараёнида иштирок этиш ҳақидаги Декларация имзоланди. Унинг мақсади таққосланадиган даражалар тизимини қабул қилиш, академик ва касбий тан олишни енгиллаштириш ва битирудчиларнинг ишга жойлашиш имкониятларини таъминлашга қаратилди. Болонъя жараёни барча давлатлар учун очиқ бўлиб, бугунги кунга келиб иштирокчи давлатлар сони 50 га яқинлашиб қолди.

Болонъя декларациясини имзолаган барча давлатлар олий таълимнинг икки босқичли (бакалавриат – 3-4 йил, магистратура – 1-2 йил) тизимиға ўтишган. Олий таълимдан кейин доктор (3-4 йил) даражасини олишга имкон яратилади.

Хорижда ECTS (European Credit Transfer System) тизими таълим тизимининг мұхим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир ўкув фанига юклама ҳажмидан, келгусидаги касбий фаолияти учун мұхимлигидан келиб чиқиб кредит бали белгиланади. Талаба ҳар бир фанни муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда белгиланган кредитларни олади ва бу кредитлар йиғиндиси унга мос бўлган бакалавр ёки магистрлик даражасини олишга имкон беради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу тизим ҳақида баъзи одам дастлаб нотўғри тасаввурга эга бўлишади, яъни, “кредит”ни баҳо деб нотўғри тушунишади. Кредит – бу баҳо эмас, балки бирор фанни ўзлаштириш учун сарфланадиган талабанинг иш ҳажмининг ўлчови ҳисобланади.

Кредит таълим тизимиға ўтиш Ўзбекистон Республикасида таълим босқичлари ва академик даражаларни аниқ баҳолашга имкон беради ва уларни шаффоф, ташҳисланадиган ва тан олинадиган ҳолатга келтиради. Бу эса жаҳонда тобора оммалашиб бораётган таълим мұхитига қўшилишнинг бош шартларидан бири ҳисобланади.

«Кредит» атамаси (ECTS-credit)- синовдан ўтди, маълум бир курсни ўкув юртида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома маъносини англатади. ECTSда «Кредит» - шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўкув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўкув фанига

маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони, талабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

Кредит тизимининг асосий тамойиллари ва элементлари Ўзбекистон олий таълим тизимига узоқ вақт давомида инновациялар шаклида татбиқ қилиб келинди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, кадрлар тайёрлашда икки босқичли олий таълим – бакалавриат ва магистратура, ҳамда икки босқичли докторантурा йўлга қўйилди, ўкув режаларида танлов фанлари жорий этилди, мустақил таълим турлари ва уларнинг ҳажми аниқ белгилаб қўйилди, ҳафталик аудитория юкламалари 30 соатгача қисқартирилди, амалий машғулотлар ва малакавий амалиётлар ҳажми оширилди, академик алмашиниш дастурлари ва дипломлар ностирификацияси йўлга қўйилди, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони қисқартирилди, талаба-ўқитувчи нисбатини 16:1 гача ошириш режалаштирилди ва ҳ.к. Ушбу амалга оширилган ишлар кредит-модуль тизимига мос элементлар бўлиб бизнинг бу тизимга ортиқча қийинчиликларсиз ўтишимизга ёрдам беради. Демак, олий таълим тизимига тадбиқ қилиб келинаётган сўнгги йиллардаги инновациялар бизни бу тизимга анча яқинлаштириб қўйди.

Биз бу ерда кредит-таълим тизимиغا ўтишда педагоглар учун муҳим бўлган иккита жиҳат ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз – биринчиси, кредит-модуль тизимида қўлланиладиган атамалар бўлса, иккинчиси – бу талабага қаратилган ўқитиши усулидир.

Кредит таълим тизими атамалари ҳали бизнинг таълим тизимимизда унчалик оммалашмаган бўлса ҳам улар маълум маъноларда қўлланиб келинмоқда. Масалан, “Educational Program” (таълим дастури) муайян таълим босқичи (бакалавриат, магистратура, докторантурা) бўйича мутахассисликни англатса, “Academic Program” (ўкув дастури) ўкув фанини билдиради ва “Syllabus” (силлабус) атамаси билан бир хил маънони англатади. “Course” атамаси ўкув йилини эмас, балки ўкув курсини, фанини, модулини билдиради. “Faculty” атамаси факультетни эмас, балки профессор-ўқитувчилар таркибини англатади. Ўқитувчининг лавозимини кўрсатишида “Lecturer” (лектор, маъruzachi) ва “Tutor” (тыютор) атамалари кенг қўлланилади. Классификаторда қўлланиладиган “мутахассислик” тушунчасини ифодалаш учун инглиз тилида “Speciality” эмас, балки “Major” атамаси қўлланилади. Ўқув режаси эса “Academic Plan” эмас, балки “Curriculum” шаклида ишлатилади.

ECTS нинг хусусиятлари. Замонавий ўқитиши технологияси, олий таълим муассасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишининг юқори сифатлари - ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жарёнини ташкил этишининг ушбу тизими, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқув режаси бўйича:

Барча ўқув фанлари икки гурухга бўлинади - мажбурий ва талаба танлови асосидаги фанлар.


- ◆ Бу нисбатан тахминан 1:2 teng қабул қилинади;
- ◆ Ҳар бир талаба шахсий ўқув режасига эга бўлади;

◆ Асосий ҳужжат транскрипт (transcript of ruords) у ECTS нинг унификациялашган ҳужжат бўлиб, ягона шаклда тузилади, ўқитиш натижаларини тан олиш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Транскриптда, талабанинг мазкур давлатда қабул қилинга баҳолаш тизимида ҳам, ECTS тизими бўйича ҳам олган баҳолари, олинган ECTS кредитлари бўйича маълумотлар келтирилади.

- ◆ Ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони 3-5 та бўлиши;
- ◆ Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларида кўп бўлиши;

Кредит ўзида талабанинг ўқув фанини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча меҳнат сарфларини мужассамлаштириди. Ўқув фани учун ажратилган кредитлар сони, аксарият ҳолларда 3 га teng бўлади.

2.2. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Ўқув жараёнини режалаштиришда қуйидаги атамалар қўлланилади:



- “Academic Calendar” - ўқув жараёни жадвали;
- “Core Subjects” - мажбурий фанлар;
- “Elective Courses” – талабалар томонидан ихтиёрий танланадиган фанлар;
 - “Course Description” – фаннинг қисқа мазмуни, қисқа баёни;
 - “General Education Requirement” (GER) – умумтаълим фанлари, табиий-илмий ва ижтимоий-гуманитар фанлар; асосан 1-2 курсларда ўқитилади;
 - “Office Hours” – талабанинг дарс жадвалида кўрсатиладиган, ўқитувчи раҳбарлигида аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иш тури; бу фаолият турларига бизнинг таълим тизимимиздаги ҳисоб иши, чизма иши, курс иши, курс лойиҳаларини мисол келтириш мумкин;

- “Prerequisite”, “Postrequisite” – фандан олдин ва кейин ўқилиши зарур бўлган фанлар; талаба бирор фанга ёзилиши учун ундан олдин ўқилиши зарур бўлган фанларни ўқиган бўлиши шарт; шу тариқа кейинги ўқиши траекториясини очиб боради;

Кўриниб турибдики, бу атамаларнинг эквивалентлари бизда мавжуд, факат уларни амалиётда қўллашимиз лозим.

Кредит-модуль тизимини ташкил қилишда бизнинг ҳозирги таълим тизимимизда мавжуд бўлмаган ва унинг ўзигагина хос бўлган атамалар ҳам қўлланилади. Масалан:

- “Credit, Credit-hour” - кредит, кредит-соат, яъни ўқув ишлари ҳажмини ўлчашнинг ягоналаштирилган бирлиги; бир кредит семестр давомида ҳар ҳафтада ўтиладиган бир академик соатни ва уни ўзлаштириш учун белгиланган мустақил таълим соатларини ўз ичига олади;

- “Enrollment” - талабанинг шахсий траекториясини шаклантириш учун янги ўқув курсларига ёзилиши;

- “Office of Registrar” – Регистратор офиси – фанларга талабаларни қайд қилиш ва уларнинг ўқув давридаги барча ўзлаштириш кўрсаткичларини қайд қилишнинг марказлаштирилган хизмат тури; Регистратор офисининг фаолият турлари кенг бўлиб, талабага қаратилган барча ёзувларни ўз ичига олади; бу фаолият турлари бизнинг тизимимизда бир нечта бўлимларга (деканат, ўқув бўлими, кадрлар бўлими, маънавият бўлими, қабул бўлими ва ҳ.к.) бўлиб юборилган;

- Grade Point Average (GPA) – ўртача балл, талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача баҳоси (фанлар бўйича кредитларнинг рақамли эквивалентларга кўпайтмалари йиғиндиларининг ўқув давридаги умумий кредитлар сонига нисбати); талабаларни кейинги босқичга ўтказиш учун қўлланилади.

- Transcript – академик маълумотнома, белгиланган шаклдаги ҳужжат бўлиб, ўқув давридаги ўтилган фанларни ва улар бўйича тўпланган кредитларни, баҳоларни ва ўртача бални кўрсатади.

“Advisor” (эдвайзер) – талабага мутахассислик бўйича ўқув траекториясини танлаш ва ўқув давридаги фанларни ўзлаштириш бўйича ёрдам берувчи мутахассислик кафедраси ўқитувчисини билдиради, бу атама бизнинг лексиконимиздаги мураббий, устоз маъноларига яқин келади.

Кредит-модуль тизимини тадбиқ қилишда ушбу халқаро атамалардан ташқари ўзбек тилида қўллаш мумкин бўлган бизнинг таълим тизимимизда мавжуд бўлмаган ёки бошқа маънода қўлланиладиган қўйидаги атамалар ҳам пайдо бўлади, масалан:

- талабанинг шахсий ўқув режаси – намунавий ўқув режа ва танлов фанлари каталоги асосида талаба томонидан унинг эдвайзери кўмагида танланадиган ўқув траекторияси; ишчи ўқув режани тузиш учун асос бўлади; бизнинг таълим тизимимизда бундай ҳужжат мавжуд эмас.

• ишчи ўқув режаси – талабаларнинг шахсий ўқув режалари асосида шаклантирилган ўқув режаси, ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаларини

ҳисоблаш учун асос бўладиган хужжат; кредит-модуль тизимидан фарқли равишда бизнинг таълим тизимимизда ушбу хужжат намунавий ўқув режаси асосида шакллантирилади.

- кредит таълим тизими – ўқув жараёнини ташкил этиш шакли бўлиб, талабаларга ўз ўқув траекторияларини муайян чегарада белгилаш имконини беради, мустақил ва ижодий билим олишни рағбатлантиришга йўналтирилади, ўзлаштирилган билимлар хажми кредитларда ўлчанади.

- курс сиёсати – фанни ўзлаштириш бўйича талабаларга қўйиладиган талаблар; бизнинг таълим тизимимизда бундай атама қўлланилмайди, фанни олиб бориш ОТМ томонидан белгиланган ички тартиб-қоидалар асосида ташкил қилинади.

- маълумотнома-кўрсаткич – академик календар, олий ўқув юрти ҳақидаги умумий маълумотлар, талабанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, кредит таълим тизимининг асосий қоидалари, ҳар бир фан бўйича якуний баҳолашларни ҳисоблаш методикаси ва ўртача балл (GPA), якуний давлат аттестацияси талаблари ва шу кабиларни ўз ичига оладиган маълумотнома.

- мустақил иш – мавзулар бўйича мустақил таълимга ажратилган иш бўлиб, ўқув-услубий адабиётлар ва тавсиялар билан таъминланади, тестлар, назорат ишлари, коллоквиумлар, рефератлар, баён ва ҳисботлар шаклида назорат қилинади; кредит-таълим тизимида амалдаги таълим тизимидан фарқли равишда мустақил иш “ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши” ва “талабанинг мустақил таълими” каби турларга ажратилади.

- намунавий ўқув режа – ўқув фанларини ўрганиш кетма-кетлиги ва ҳажмини белгиловчи ўқув режаси; амалдаги таълим тизимидан фарқли равишда бу хужжатда академик соатлар қўрсатилмайди.

- оралиқ аттестация – фанларни ўзлаштиришнинг комплекс баҳоланиши; бу назорат тури бизда унчалик оммалашмаган, у фанлараро назорат ҳисобланади.

- тьютор – фан бўйича амалий машғулотларни олиб борувчи ва маслаҳат берувчи, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилувчи ва бажарилишини таъминловчи, фан бўйича билимларни тизимга келтирувчи, семестр ва курс ишларига раҳбарлик қилувчи, ўқув амалиётларини ташкил қилувчи ўқитувчи.

- фан коди – ўқув режасида ҳар бир фан учун белгилаб қўйиладиган ҳарф-ракамли белги, халқаро номланиш асосида белгиланади; бундай код амалдаги таълим тизимида ўқув режалардаги фан блоклари бўйича тартиб асосида белгиланади ва кейинчалик деярли қўлланилмайди. Ушбу код халқаро номланиш асосида белгиланади ва фанни қисқа номлаш учун кейинчалик барча жараёнларда қўлланилади.

Энди, кредит-модуль тизимининг талабага қаратилган ўқитиши усули ҳақида тўхталиб ўтамиш.

Олий таълимга қарашларда "teaching" форматидан "learning" форматига томон ўзгаришлар содир бўлмоқда, яъни талабани “ўқитиш” эмас, балки

талаба “ўқиши” керак деган ғоя устувор бўлмоқда. Бу ғояга кўра инсон бутун умри давомида ўқийди, талаба фанга оид билим, кўникма ва малакаларни мустақил тарзда ўзлаштиради, ўқитувчининг вазифаси эса – талабанинг шахсий қизиқишлиаридан келиб чиқсан ҳолда унга зарур ёрдамларни кўрсатишдан иборат бўлади.



Кредит-модуль тизимида миллий таълим дастурлари халқаро тан олинишини, талабаларнинг ва профессор-ўқитувчиларнинг мобиллиги таъминланиши лозим. Амалдаги таълим тизимида бу жараёнлар йўлга қўйилган. Фақат, очиғини тан олиш керак, турли ОТМ лардаги турдош ва бир хил йўналишдаги ўкув режаларининг ўзаро мослиги таъминланмаган.

Олий таълим босқичлари бўйича Ўзбекистон модели таянч босқич камида 3 йил давом этиши жиҳатидан Болонья жараёнлари талабларига ва ҳар бири 2 погонадан иборат 2 босқичдан иборатлиги бўйича Америка моделига мос келади.

Бакалавриат дастури касбий фаолиятнинг умумий, интеграллашган жиҳатларини инобатга олиш, касбий ижодкорликни ривожлантириш ва мустақил билим олиш кўникмасини шакллантириш орқали ихтисослик фанлари бўйича билимлар асосини эгаллашни назарда тутувчи кенг таянч касбий тайёргарлигини назарда тутади.

Магистратурада таълим мутахассисликка ва илмий-педагогик тайёрловга йўналтирилган. Магистратура таълим дастурларида таълимнинг илмий-методологик йўналганлиги ва соҳа бўйича чуқур мутахассислик тайёргарлиги кўзда тутилади. Магистратура битирувчиларига “магистр” академик даражаси тақдим этилади. Магистрлар докторантурада ўқиши давом эттириш хуқуқига эгадирлар.

Докторантурда олий малакали тайёрлашнинг якуний таълим илмий ва илмий-педагогик кадрлар босқичи ҳисобланади. Докторлик дастурларининг ўзига хослиги таълим ва изланувчилик фаолияти ўртасида оптимал мувозанатни таъминлаш, кенг илмий, ўкув ва методологик тайёрлов, мамлакатдаги ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг академик мобиллигини таъминлашда намоён бўлади.



6 Кредит = 180 соат ўқиш юкламаси
(40% аудитория соатлар / 60% мустақил ўқиш соатлар)

Докторантурда

дастурини

эгаллаган ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилған шахсларга фалсафа доктори (PhD) илмий унвони, мутахассислик бўйича докторантурани ўзлаштирганларга эса фан доктори илмий унвонлари (тиббиёт, санъат, таълим, ҳуқуқ, техника, кимё ва ҳ.к.) берилади.

Шундай қилиб, таълим тизимларини ягона халқаро таълим мұхитига мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасида олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг қуидаги касбий таълим босқичлари жорий этилган:

1) бакалавриат – биринчи босқич дастури (ўрта таълимдан кейинги биринчи погона) бўлиб, ўқиш муддати 4 йил; эндиликда у иккита босқичдан иборат бўлиши мақсадга мувофик: пастки (оралиқ даражা) – 2 йил ва юқориги (академик даража) – 2 йил, бу олий таълим самарасининг 2 ҳисса ошишига олиб келади;

2) магистратура – иккинчи босқич дастури (ўрта таълимдан кейинги иккинчи погона) бўлиб, ўқиш муддати 1-2 йилни ташкил этади, бунда чукур мутахассислик ва илмий-педагогик тайёрлов амалга оширилади;

3) докторантура – олий таълимдан кейинги иккинчи босқич дастури (ўрта таълимдан кейинги учинчи погона) бўлиб, ўқиш 3-4 йил давом этади ва икки босқичда амалга оширилади – фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий унвонларига эришиш назарда тутилади.

Силлабус – бу таълим олувчилар учун ўқув фани ишчи дастурининг қисқача мазмуни бўлиб, унда ўқув фанининг мақсади, вазифалари ҳамда таълим олувчиларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топади.

Ўқув фани дастурининг мазмуни (silabus) қуидагиларни ўз ичига олади:

♦ Ўқув фаннинг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;

- ♦ Ўқув фанини ўрганиш мақсади;
- ♦ Ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- ♦ Календар-мавзувий режа, машғулотлар жадвали билан;
- ♦ Ўқитиши технологияси;
- ♦ Талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- ♦ Талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- ♦ Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати

Ўқитувчининг ўқув юкламасини ҳисоблашида:

♦ Умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория сотлари ва мустақил иш) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши - эътиборга олинади.

Ўқитиши жараёнининг асосини:

♦ Шахсга йўналтирилган ўқитиши технологиялари;

♦ Талабанинг мустақил ишида, ўқитувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этади;

♦ Талаба ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

Хар бир талабага ахборот пакети берилади, у қуидагиларни ўз ичига олади.

- ♦ Олий таълим муассасида ҳақида маълумот;

- ◆ Ўқув режаси;
- ◆ Ўқув жараёнининг графиги;
- ◆ Ўқув фанларининг мазмуни;
- ◆ Олий таълим муассасада қабул қилинган таълим тизимининг методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар;
- ◆ Талабалар билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;
- ◆ Ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;
- ◆ Тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;
- ◆ Кўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар.

ECTS – олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишининг энг демократик тизимиdir.

ECTSning асосий тамоийиллари. ECTS қўйидаги асосий тамоийилларга таянди:

1. **Transferancy** – бу ECTS тизимида хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ Алмашиб схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;
- ◆ Олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир бирини имкониятларини ўрганиш;
- ◆ Олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

2. **Agreement** – Талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаталарини орасида тайёрлаш мазмуни, ўқиш тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидағи фарқни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англаради.

3. **Credits** – Host университетида (қабул қиласидаги университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post- университетда (талабани бошқа ОТМ га жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

4. **Таълимнинг инсонпарварлашуви** - бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнинда инсон қобилиягининг очилишини англаради. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлаш имкониятни беради.

5. **Таълимнинг индивидуаллаштируви** - бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70% ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70% ни, аудиториядаги иши эса 30% ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил этишга асос бўлиб хизмат қиласиди.

6. **Таълимнинг самарадорлиги** – гурухда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишига, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70% гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талabalар томонидан табий қобилияtlари даражасида ўзлаштиришига имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

ECTS тамойиллари - шахснинг тўла ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурийлигини кўзда тутади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

7. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига кредит модул тизимида ўқитиши ташкил этишнинг мақсади вазифалари.

8. Кредит тизимининг асосий тамойиллари ва элементлари.

9. Кредит таълим тизими атамалари моҳиятини баён қилинг.

10. ECTS нинг хусусиятлари?

11. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ҳақида фикрингизни баён қилинг.

12. Кредит тизими асосида таълим сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

3-МАВЗУ. ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМГА ОИД МАХСУС ФАНЛАР БҮЙИЧА МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ, ИЖОДКОРЛИГИ ВА НОВАТОРЛИГИ.

Режа:

1. Технология таълими ўқитувчининг касбий-педагогик мухим сифатлари.

2. Технология таълими ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш тизими.

3. Профессионал ўқитувчи шахси. махсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг бошқарув маҳорати, техникаси ва услублари.

Таянч тушунчалар: касбий-педагогик сифатлар, шаклланиш, ижодкорлик, педагогик маҳорат, бошқариши техникаси, касб, касбий шаклланиш.

3.1. Технология таълими ўқитувчининг касбий-педагогик мухим сифатлари Республикаизда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фаол ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Хозирги даврда ишлаб чықаришда техника ва технологияларнинг модернизациялашаётгандылығы, илм ва фаннинг жадал тараққиеті, мутахассис кадрлардан үз билимларини мустақил ва мунтазам равишида чуқурлаштириб, янгилаб, тұлдириб ва кенгайтириб боришни талаб этади.

Касб – жамиятга зарур бўлган фаолиятнинг тарихан юзага келган шакллари дидир. Уни бажариш учун инсон билим, кўникма ва малакалар йиғиндисига мос келувчи қобилият ва касбий сифатларга эга бўлиши лозим.

Касбий шаклланиш – муайян бир соҳани такомиллаштиришга қаратилган билим, кўникмалар мажмуи. Касбий шаклланиш – таълим олиш жараёнида у ёки бу соҳага доир билим, кўникмалар мажмуи. Касбий шаклланганлик – аҳамиятга эга касбий натижаларга эришиш ва фаолиятини юқори даражада амалга ошириш имконини берувчи психик сифатлари мажмуудидир.

Касбий сифатлар – шахснинг муайян соҳадаги билим, кўникмалари, малакалари мажмуи ва меҳнат фаолиятида үз қобилиятини сифатли ва самарали амалга тадбиқ этиш имкониятидир.

Касбий шаклланишда касбий сифатлар ва ривожланиши бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ: касбий сифатлар бир томондан касбий ривожланиш жараёнида шаклланса, бошқа томондан эса, шахснинг мутахассис сифатида намоён бўлишининг мұхим қўрсаткичи ҳисобланади. Амалий жиҳатдан бу күйидагиларни англаради: янги ижтимоий-иктисодий шароитда үз ўрнига эга



бўлиш, ракобатга бардошлиқ, фаровон келажакни таъминлаш учун мутахассис доимий равишида ривожланиши, қолаверса, ижтимоий ва меҳнат шароитида ўзининг мавқеини таҳлил қилиб бориши лозим. Шунинг учун касбий сифатларни тадқиқ қилишининг замонавий йўналиши шахснинг ижтимоий ва касбий ривожланиши жараёни билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади.

Касбий шаклланиш индивиднинг мутахассисга шаклланиши, яъни инсоннинг ўзи, касбий ва ижтимоий мұхитдаги мавқеи ҳақидаги тасаввурларининг ўзгариши, қолаверса, янги касбий сифатларни ўзида қарор топтириши, кенг маънода айтадиган бўлсак, шахснинг касбий ўзини ўзи англаши билан ҳамоҳангликда кечадиган жараёндир. Касбий шаклланиш инқизозлари даврида касбий сифатлар яққол намоён бўлади.

Ўқитувчилар касбий сифатларининг шаклланганлиги педагогик меҳнатнинг барча томонлари: (касбий фаолиятда, кундалик муносабатларда, шахсият ривожланишида, меҳнатнинг мажмуйи натижаси)да намоён бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, олий таълим муассасалари ўқитувчининг энг муҳим вазифаси талабаларнинг касбий сифатларини барқарорлаштириш, тўлдириш ва узатиш механизмларини бошқариш имкониятларини босқичмабосқич такомиллаштириш учун психологик-педагогик шароитларни яратишдан иборат. Уларни амалга ошириш босқичлари қуидагича: талаба фаолиятининг ўқитувчи томонидан бошқарилиши; ўқитувчи ва талаба томонидан касбий сифатлар шаклланишини биргаликда бошқарилиши; бўлажак мутахассиснинг касбий ўзини ўзи ривожлантиришини мустақил бошқариши.

Технологик таълими ўқитувчилари талабаларнинг касбий сифатларини шакллантиришда қуидагилар тақозо этилади:



топшириқларни ишлаб чиқиш ва уларни тизимлаштириш;

- педагог кадрлар тайёрлаш тизими сифатини оширишда таълимнинг янги шаклларидан фойдаланиш жиҳатларини илмий асослаш.

Технологик таълими йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларда касбий сифатларни шакллантиришни билим олишга қизиқиш ва қобилиятни, педагогик маданиятни такомиллаштиришга қаратилган омил сифатида қараш лозим. Муаммони ҳал этишнинг муҳим омили сифатида технологик таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлажак ўқитувчилардан педагогик такомиллашиш, касбий билимларни чуқурлаштириш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Технологик таълими ўқитувчилари талабаларда касбий сифатларни шакллантиришлари учун фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши ва унга эришиши учун қуидаги шартларга риоя қилиши керак.

1. Ўз билимини мустақил ошириш, педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг моддий-техник базаси ва ахборот ресурс маркази имкониятларидан унумли фойдаланиш, ўқув хонаси, устахона ва амалиёт шарт-шароитлари таълим олувчиларига мослаштириш керак.

2. Бўлажак технологик таълими ўқитувчиси ўзида қўйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак:

- ўқувчиларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

- ўқувчилар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолиятининг турли жабҳаларига фаол таъсир этиш.

3. Бўлажак технологик таълими ўқитувчиси ўзининг касбий сифатларини шакллантириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўлларини танлаб олиши, технологик жараён ва техник обьектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиши керак.

4. Бўлажак технологик таълими ўқитувчиси педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал тарзда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларидан фойдаланиши, амалий машқлар бажариши мақсадга мувофик.


5. Бўлажак технологик таълими ўқитувчиси ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил этиш ва маълум мақсадга йўналтириш зарур. Бунинг учун у:

- ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;

- ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик-психологик ва техник тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эсда тутиши лозим.

Технологик таълими ўқитувчисининг касбга яроқлилиги бу – субъектив шарт-шароитлардан қатъи назар, барқарорлик билан ажralиб турадиган, таълим ва тарбия вазифаларини муваффақиятли бажаришга индивидуал тайёргарлик билан асосланадиган муҳандислик-педагогик фаолият даражасидир. Бу эҳтимолий натижаларни олдиндан кўра билиш, уларни баҳолаш, педагогик вазиятни таҳлил қилиш ва изланаётган натижаларга эришиш йўлида самарали фаолият тизимини моделлаштириш, ўз фаолиятига тузатишлар киритиш ва уни асослаб беришга қодир бўлган технологик таълими педагогининг мос келувчи билимлари ва тажрибасидир.

Шу нуқтаи назардан технологик таълими педагогининг касбий яроқлилигини касбий етуклик босқичи сифатида, касбий моҳиятни шакллантиришнинг бошланғич босқичи сифатида кўриб чиқиш мумкин.



1-шакл. Технологик таълими ўқитувчилари касбий сифатларининг шаклланиш функциялари

Педагогик тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, олий таълим муассасаларида ўқитиши жараёни талабаларнинг касбий яроқлилигини шакллантириш ва унинг даражасини ташхис қилиш бўйича маҳсус ташкиллаштирилган ишларсиз, талабаларнинг узлуксиз технологик таълим тизимида тайёргарликнинг биринчи босқичида олинган ўз касбий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, фақат билимлар, малака ва кўнимкамлар шакллантириш билан чегараланди.

3.2. Технология таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш тизими

Хозирги замон шароитида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантиришнинг методологик ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган интегратив билим беришнинг тизимли моделларини ишлаб чиқиш ва натижларини объектив баҳолаш бўйича тадқиқотлар Aichi university of Education (Япония), National Institute Of Technical Teachers Training And Research (Ҳиндистон), Shaansi Normal University (Хитой), Princeton university (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), National Advice on pedagogical technology (Англия), Таълим академияси (Россия), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон) каби нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.



Технология таълим ўқитувчилари касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришнинг **биринчи шарти** бошқа олий таълим муассасалари сингари педагогик йўналишдаги таълим тизимида хам илфор,

инновацион ва етакчи бўлган билим олиш технологияларини яратиш жараёни билан боғлиқ. Талабаларнинг билим олишида касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш шартли равища иккита йўналиши ажратилади. Биринчи йўналиш ташқи факторларга ва таъсирлага қаратилган. Технология таълимни ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлик фаолияти мазмуни, уни ташкил этиш тамоиллари, босқичлари, таркибий қисмлари, ўқув жараёнининг лойиҳалаш даражалари ҳакида билимларни ишлаб чиқиши, ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларида касбий мустақил фаолиятларини бошқариш учун ахборот базасини шакллантиришидир.

Касбий-педагогик ижодкорлик компетентлигини ривожлантиришнинг иккинчи йўналиши талабанинг шахсига йўналтирилган. Бу рефлексив фаолият: уларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш, педагогик ижодий фаолиятнинг индивидуал услубини онгли шакллантириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини шакллантиришнинг индивидуал услуби ҳисобланади.

Технология таълимни ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришнинг **иккинчи шарти** - педагогик қадриятлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ лойиҳалаш фаолиятидир.

Касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришда ўқитувчининг ўз-ўзини такомиллаштириш ва ўзини намоён қилиш билан боғлиқ қадриятлари, яъни келажакдаги ўқитувчининг репродуктив фаолиятига эътибор қаратилади.

Учинчи шарти технологик-фаолият турига киради, чунки у ўқув жараёнини ишлаб чиқиши ва бажариш операциялари ва амалиётларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлиб, ушбу тадбирларни бажариш учун кўнималар шакллантирилади. Касбий-педагогик ижодкорлик кўнималарини ривожлантириш доимий равища амалга оширилади: биринчи навбатда репродуктив, продуктив, қисман изланувчан ва креатив даражаларда ижодкорлик кўнималарини шакллантириш вазифаси муҳим ҳисобланади.

Тўртинчи шарт, ўқитувчининг коммуникатив қобилиятлари билан боғлиқ. Ўқув жараёнида касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантириш усулларини ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларни мустақил мулоқотчанлик фаолиятга жалб қилиш мумкин. Контекстли таълим ва ўқув амалиёти асосида амалга ошириладиган таълимни касбий-педагогик ижодкорлик орқали амалга оширилиши мумкин. Таълим технологияларининг турли хил вариантларини муҳокама қилиш, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари, муайян таълим технологияларини ишлаб чиқишида биргалиқдаги тадбирлар, таълим жараёнини тақлид қилиш - буларнинг ҳаммаси коммуникатив қобилиятни талаб қиласди.

Ўқитувчининг касбий-педагогик ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришнинг **бешинчи шарти** ўқитувчининг малакасига, интуициясига ва шахсий имтиёзларига асосланган эстетик хусусиятга

эгалиги. Ушбу тадбирларнинг натижаси педагогик жараённинг нозик, чиройли ва уйғун лойиҳасини амалга оширади. Технология таълими ўқитувчиларининг эстетик дидини ривожлантириш, жумладан, лойиҳалаш фаолияти ривожланишига таъсир қиласи.

Ижодкорлик – «қайта шакллантириш», – «мавжуд шакл унсурлари ёрдамида янги шакл яратиш демакдир». «Қайта шакллантириш» ижодкорлиги ўз ичига олдиндан маълум бўлган шаклга ўхшаган янги шаклни кашф этишdir, яъни бу жараён муносиб бўлмаган шаклни, муносиброри билан алмаштиришни ўз ичига олади. Бу дегани, олдингига қараганда мукаммалроқ таркибий қисмларни жойлаштириш демакдир. Шу каби ижодкорликни ўрга-ниш имкониятларини исботлаш учун қандай эвристик, яъни янги таклиф ва йўриқномаларимиз борлигини кўрсатишимиз зарур. Имкониятларни, янги йўлларни фаол излашимиз, нарсаларни ўрга-ниш, ҷалғитувчи ва тахминий фикрларни аниқлай билишимиз даркор. Бу ҳолда ўрганиш имкониятлари асосий йўналишларни идрок қилиш, йўл ва чораларни фаол билишга интилишни тақозо қиласи. Албатта, топилган шакл-қоидаларимизга бўйсундирилиши даркор.

Ижодкорлик «бир шаклдан икkinchi шаклга ўтказиш» – бу жараёнда қоидаларнинг янги қолипи, чизмаси, маълум тузилма-ларнинг янги тури юзага келади. Янги яратилган шакллар эски шаклларнинг янгича талқини бўлмайди. Лекин нарсаларни англаш-нинг ҳақиқатан янги усуллари ва янги шакллари сифатида пайдо бўлади, метафораларнинг қўлланилиши – бу бир шаклдан икkinchi шаклга ўтказиш «трансформациян» ижодкорликка мисол бўлади.

Бу ижодкорлик учун эвристик жараён шакл ва қоидалардан бошқариладиган шакл қоидаларини ривожланиши учун туғилаётган имкониятлар сари ҳаракат қиласи. Ижодкор шахс қоидалар яратилиши биланоқ, уларга суюнган ҳолда, янги қоидалар яратиш устида иш бошлайди. Ундан сўнг фаолият шаклларини очиш, олдин ҳеч қачон қўлланилмаган шаклларни кашф этиш учун бош қотиради.

Талабаларда ижодкорлик қўникмасини ривожлантиришда асосий эътиборни ижодий фикрлашга йўналтирилайдиган фикрлаш феъллари ва феъл ифодаларини қўллаган ҳолда машғулотларни ташкил этиш лозим. Ижодий фикрлаш қўникмасини ривожлантириш учун ўқитувчилар талабаларга уларни фикрлашга ундейдиган саволлар таркибидаги феълларга эътибор беришлари лозим. Талабалардан “билим, қўникма ва малака тушунчаларини таърифлаб беринг” каби топшириклар ижодий фикрлашни шакллантирмайди. Саволдаги “таърифлаб беринг” сўзи ўзингда мавжуд “билимларингни бирма-бир айтиб бер” каби туюлади. Ижодий фикрлашни осонлаштириш учун фикрлашга ундовчи сўзлар, яъни боғлиқликни топинг,



яратинг, башорат қилинг, таҳлил қилинг, баён этинг, тасаввур қилинг ва шу каби сўзлардан фойдаланилса самарадорлик юқорироқ бўлади.

3.3. Профессионал ўқитувчи шахси. маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг бошқарув маҳорати, техникаси ва услублари. Жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонун қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчининг ёш индивидуал хусусият-ларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаётидаги амалий педагогик жараён эса жуда хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонлик, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорлик, бошқарув қобилиятини эгаллаш-ни талаб этади. Хўш, педагогик маҳорат нима?

Педагогик маҳорат деганда, педагогик жараённинг барча шаклларини энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, тарбияланувчиларда кенг дунёқараш ва қобилиятларни шакллантириш ҳамда жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотиш тушунилади.

Ўқитувчилик маҳорати юзасидан таҳлил қилинган манбаларда «педагогик маҳорат» – «ўқитувчи-тарбиячининг педагогик қобилияти», «ўқитувчининг муомала маданияти ва нутқ санъати», «педагогик назокат, одоб ва аҳлоқ», «турли келиб чикадиган педагогик вазиятларга муносабат», «ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида илмий ижодий ишлаш» каби иборалар билан тавсифланади. Демак, педагогик маҳорат ўқитувчининг касбий, шахсий, умуммаданий, маҳсус сифатлари билан бирга ўз касбига лаёқатлилиги, меҳри билан тавсифланади.

«Ўқитувчи, – дейди Ал-Фаробий, – ақл-фаросатга, чиройли нутқقا эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур». У ўз фикрини давом эттириб, «Ўқитувчи ва раҳбарнинг вазифаси доно давлат раҳбари вазифасига ўхшайди, шу сабабли ўқитувчи эшитган ва кўрганларининг барчасини эслаб қолиши, ақл-фаросатга, чиройли нутқقا эга бўлиши, ёшларга айтмоқчи бўлган фикрларини тўла ва аниқ ифодалаб беришни билмоғи лозим. Шу билан бирга ўз ор-номусини қадрлаши, адолатли бўлмоғи лозим. Ана шундагина у инсонликнинг юксак даражасига эга бўлади ва баҳт чўққисига эришади», деб таъкидлайди.

Насриддин Тусий ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида: «Ўқитувчи мунозараларни олиб бориши, рад этиб бўлмайдиган даражадаги исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантикий ифодаланадиган бўлиши лозим. Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда

захархандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчининг ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин», дейди. Демак, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи педагогик маҳоратдан оқилона фойдаланиши, бошқариш механизмларидан фойдаланиши зарур. «Бошқарув» сўзи одатда аниқ бир мақсадга эришиш учун бошқариладиган обьект ёки субъект тизимига фаол таъсир кўрсатиши тушунилади.

Бугунги кунда бошқарувнинг маъноси бўйича бир неча йўналишни ажратиш мумкин.

Биринчи йўналишга кўра, бошқарув маъноси – фаолиятдир. Масалан, бошқарув жара-ёни бўйича илмий изланишлар олиб борган, ўз вақтида бошқарув назарияси асосчиларидан бири Анри Файоль бошқаришни:

- келажакни кўрувчи;
- фаолиятни ташкиллаштирувчи;
- ташкилотни идрок қилувчи;
- фаолият турларини мувофиқлаштирувчи;
- қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилувчи кучли курол, деб таърифлайди.

Иккинчи йўналишдабошқарув бир тизимнинг иккинчисига, шахснинг иккинчи бир шахс ёки гуруҳга таъсир этиши, деб ҳисобланади.

С.Н.Тидор бошқарув маъносини қўйидагича тавсифлайди:

- мақсад йўналишида обьектни мувофиқлаштириш;
- мақсадга эришиш учун обьектга таъсир этиш;
- мақсадга эришиш йўналишида тизимни ташкил этишга таъсир кўрсатишини вертикал мувофиқлаштириш.

М.Шарифхўжаев «Бошқарув – бу ўзига хос юксак санъат ва маҳоратни талаб қилувчи танлов, шу танлов асосида қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнидир», деб таърифлайди.

Анри Файоль XX асрнинг бошларида бошқарувнинг бешта функциясини ажратиб кўрсатган: режалаштириш, ташкил этиш, фармойиш бериш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш.

Бугунги кунда давлатимиз, жамиятимиз таълим ходимлари олдига қўйган талабларни бажариш муҳим аҳамият касб этади. Республикализ тараққиётини ҳал этишда педагоглар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Ўқитувчининг олдига ўз касбининг моҳир устаси, ўқувчилар жамоасини бошқара олиш қобилиятларини ривожлантириш каби қатор талаблар қўйилади.

Педагогик жараённи бошқариш нимадан бошланади? Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ташкил этиш, ўқув вазиятлари бўйича қарор қабул қилиш, кафолатланган натижани қўлга киритиш, назорат қилиш, касбий фаолиятни мувофиқлаштириш билан белгиланади.

Демак, ўқитувчи тинмай ўз малакасини ошириши, ўз устида изланиши, қунт билан ишлаши талаб этилади. Бунинг учун педагог ходимларни қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида бошқарув тизими чукур ўргатилмоқда.

Педагогик маҳоратни оширишда бошқарув санъатидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда таълим менежментида долзарб бўлган масалалар мавжуд:

Таълимда мақсадни аниқ қўя билиш ва бош гоялар ечимиға эътибор бериш.

2. Педагогик жамоада сўз ва иш бирлигини йўлга қўйиш, соғлом муҳит яратиш.

3. Таълимда Давлат таълим стандартлари талаблари ижросини сифатли кафолатлаш.

4. Жамоа ва ўқувчилар орасида онгли интизомни шакллантириш.

5. Ҳар бир касбдош педагогга самимий муносабатда бўлиш.

6. Ижодкорлик, тезкорлик ва ишончни қозониш, кенг қамровли фикр юритиш, мақсад ва истиқболни аввалдан қўриш, қилинган ишларни таҳлил этиш, танқидий қарааш, таклиф киритиш, татбиқ этишга эришиш.

7. Педагогик жамоанинг ички тартиб-қоидаларига амал қилиш.

8. Таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун соғлом муҳит ва моддий шароит яратиш.

9. Иш юритишида давлат, нодавлат ташкилотлар, таълим муассасалари, оила, маҳалла билан самимий ҳамкорлик ўрнатиш ва таълим-тарбия сифатини ошириш.

10. Таълим-тарбия жараёнида сифат ва самарадорликни таъминлаш кабилардан иборат.

Бунда педагог фаолияти қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- тарбия ва таҳсил олувчиларга таъсир ўтказа олиш;
- талабчанлик;
- масъулиятни ўз зиммасига олиш;
- обрў-эътиборга эга бўлиш;
- педагогик жамоа ишончини оқлаш;
- ўқувчилар фаолиятини тўғри идрок этиш;
- таълим-тарбия натижаларини кузата билиш, баҳолай олиш, зарур ҳолатларда танқид қила олиш.

Педагогга хос сифатлар: ташкилотчилик; касбий ишчанлик; муомалада киришимлилик; ҳар қандай вазиятда ўзини тута олиш, вазминлик; касбий маҳорат; улдабуронлик, бунёдкорлик; маслаҳат бера оладиган; ақл-идрокли; ўзига ишонадиган; ўрнак бўла оладиган; назорат қиладиган.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккири Абу Наср Фаробий бошқарув санъатидан фойдаланишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозимлигини уқтиради:

- ўз вазифасини бажаришда ҳеч қандай қийинчилик сезмаслик;
- табиатан нозик, фаросатли, хотираси мустаҳкам, зеҳни ўткирлик;
- ўз фикрини тушунтира олиш қобилиятининг илм-маърифатга ҳаваслари жўрлиги;

- ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақтўй одамларни севиш;
- ёлғонни ва ёлғончини ёмон кўрадиган;
- ўзини ва ўзгаларни қадрини билиш ва ориятли бўлиш;
- мол-дунё кетидан қувмаслик, адолатпар-вар, ҳалол, инсофли бўлиш;
- қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиш кабилар.

Педагогик жараённи самарали бошқаришда аниқ иш режага эга бўлиш муҳим ҳисобланади.

Педагог иш режасини ишлаб чиқишида қуидагиларга эътиборни қаратиши лозим.

1. Ўқув йили давомида таълим-тарбия бора-сида олиб бориладиган ишлар таҳлили, яъни билимлар беллашуви, фан олимпиадалари, кўриктанловлар ва бошқа қўрсаткичларидан келиб чиқиб, туман, вилоят, республика миқёсидағи юқори натижага эришган ижобий иш-лар, камчиликлар ва муаммолар сарҳисоби.

2. Янги ўқув йилида амалга ошириладиган вазифаларни белгилаш:

- ташкилий-педагогик;
- ўқув-тарбия иши самарадорлигини ошириш;
- маънавий-маърифий ишлар;
- методик ишлар;
- моддий-техник базани мустаҳкамлаш;
- илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш.

Педагогнинг бошқарув фаолияти муваффақиятли кечиши унинг психолого-педагогик тайёргарликка эга бўлиши билан белгиланади.

Замонавий таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш кадрларни кўнгилдагидек ўқитишиш ва тарбиялаш хақидаган борар экан, бу ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани факат малакали педагогик маҳораттга эга бўлган касбий профессионалликка эга бўлган педагог кадрлар билан амалга ошириш мумкин.

Шундай экан, педагоглик касби-катта санъатdir. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Бунинг учун ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлоднинг чинакам мураббий бўлишга хаваси, иштиёки зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошира борувчи, мустақиллик ғояси ва мафкураси билан пухта куроллантирган, ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ва педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсулидир. Бу кўп қиррали педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир колипдаги иш услуби эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Бу жараёнда илғор ўқитувчининг педагогик фаолияти, маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати асосан аудитория машғулотларида ёки масофавий он-лайн дарсларда яққол кўринади. Чунки ўқув машғулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг таълим муассасасидаги асосий ишидир. Шу сабабли у илмий, ғоявий ва оммабоп бўлиши, турмуш билан тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси билан боғланиши зарур. Таълим жараёнида ўқитувчи билан тингловчилар ўртасида ўзаро жонли тил, фикр алмашуви, самимий муносабат, хурмат, асосий максадга эришишда хамкорлик лозим. Мазмунни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажralиб қолган, умумий сўз ва қуруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлган, расмият учун юзаки ўтказиладиган дарс-маъруза ва бошқа ўқув машғулотлари тингловчиларни кизиктирмайди, уларни илмий, ғоявий ва амалий жихатдан етарли озиклантирумайди. Шундай экан, ўқув машғулотларини шундай ташкил этиш керакки, унинг таъсирида тингловчиларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши даркор.



Педагогик маҳорат тушунчаси мазмунини “*Педагогик энциклопедия*” ва педагогик психологик адабиётларга асосланиб қуйидагича таърифлаш мумкин:

Педагогик маҳорат - ўз касбининг моҳир устаси бўлган юксак даражада маданиятли, ўз фанини чукур биладиган, ёндаш соҳаларни яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш методикасини

мукаммал эгаллаган ўқитувчи -тарбиячи.

Педагогик маҳорат - ўқитувчининг устоз мураббийлик фазилатлари, ўқитувчилик касбининг сирларини чукур эгаллаганлиги, инсонийлик ва истеъоди ҳамда интеллектуал салоҳияти ва шу кабилар асосида ундаги касбий билим ва тушунча, кўникма ва малакаларнинг мукаммал шаклланган касбий фаолияти.

Педагогик маҳорат - ўқитувчидаги қуйидаги қобилиятлар мужассами:

- дарс материалини аниқ ва равshan баён қила олиши;
- ўз таълим олувчиларини иложи борича ўрганилаётган мавзу бўйича бир хил фикрга келтира олиши;
- мавзу моҳиятини тўла очиб бера олиши ва зарурият бўлгапда уларга бу мавзунинг ўз касбий фаолиятидаги ўрни ва роли ҳақида тушунча бера олиши;
- дарс давомида бефарқ холда катнашаётган талабани тезда дарс мазмунини ўрганишга жалб қила олиши;
- дарсни яна давом эттиришини ҳоҳловчи таълим олувчилар сони аудиториядаги жами таълим олувчиларнинг қанча қисмини таш кил этишини

баҳолаб бориш ва бу орқали дарс ўтиш технологиясини такомиллаштириб бориш имкониятига эга бўлиши;

- дарс максадига эришганлигини баҳолай билиши ва хулосалаш қобилиятига эга бўлиши ва х.к.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг ўз фанларини ўрганишда эришган тажрибаларини ўз фаолиятида ижодий қўллаган ҳолда ўқув тарбия ишининг хамма қирраларида энг юқори даражада эришилган ютуқлардир.

Педагогик маҳорат - бу ўқитувчи - педагогнинг шундай шахсий ва касбий фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик-психологик ва методик тайёргарлигида тингловчиларни ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантиришнииг мақбул йўлларини излаб топиб амалий фаолиятида қўллашида намоён бўлади

Педагогик маҳорат деганда ўқитувчининг педагогик-психологик билимларни, касбий малака ва кўникмаларини мукаммал эгаллаши, ўз касбига қизиқиши, ривожланган педагогик фикрлаши ва интуицияси, ҳаётга аҳлоқий-эстетик муносабатда бўлиши, ўз фикр-мулоҳазасига ишончи ва қатыйи ифодаси тушунилади.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг касбий йўналишдаги ижодкорлигини олий намунаси, педагогик маҳорат ўқитувчидаги йиллар давомида шаклланиб боради. Маҳоратли ўқитувчи ҳамиша илфор тажриба соҳиби бўла олади. Шунинг учун “Педагогик технология” тушунчаси таркибига “янги”, “илфор”, “новаторлик”, “ижодкорлик”, “касб тафаккури” каби тушунчалар сингдирилади. Бу тушунчаларнинг ривожи педагогик маҳоратда намоён бўлади.

Ўқитувчининг касбий педагогик маҳоратининг асосий мазмун моҳиятини мезонлари ва кўрсаткичлари-педагогик ижодкорлик, педагогик техника сирларини пухта эгаллаш ва юксак касбий салоҳиятга – профессионализмга эга бўлиш, таълим-тарбия жараёнида тингловчилар билан ўзаро мулокот олиб бориш тактикасини қўллаш ва уларга муваффақиятли таъсир кўрсатишнииг шакл, усул, воситаларидан хабардорлиги, педагогик қобилияларини намойиш эта олиш, нутқининг равонлиги, ташкилотчилик қобилияти, маънавий маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, педагогик фаолият жараёнида хулк-атворини ва ҳиссиётларини жиловлай олиш ва бошка хусусиятлардан иборат. Демак, юксак педагогик маҳорат эгаси, яъни профессионал касб эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўзида ҳам илфорликни, ҳам ижодкорликни, ҳам новаторликни (янгиликка интилишни) тарбиялаши лозим.

Буни қуйида келтирилаётган ўқитувчининг касбий маҳорати мазмуни ва моҳияти асосида кўришимиз мумкин:

Мутахассисларнинг тадқикотлари натижасида ўқитувчиларни педагогик билимлар, педагогик маҳоратни эгаллашларининг беш даражаси аниқланган: ахборот, тезарус, услубий, технологик, тадқиқот.

Ахборот даражасида. асосий вазифа мавжуд билим ҳакида ахборот олиш имкониятини таъминлашдан иборат

Услубий даражада нафақат илмий билимлар, балки касбий күнікмаларнинг ҳам мавжудлигини, педагогик назариётчилар томонидан ишлаб чиқылған услубларни ўзлаштирилғанлигини англаради.

Технологик даражада илмий билимларни ва тавсия этилган илғор тажрибани амалиёттега жорий этиш мақсадида уларни сифатли ва самарали акс эттиришни назарда тутади. Акс эттириш түгридан-түгри нусха күчириш дегани эмас. Бунда муайян метод қўлланилаётган шарт-шароит, хусусан, тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси, уларнинг одатлари, ўқитувчи-педагогларнинг технологик маданият ва педагогик маҳорат даражаси ҳисобга олиниши лозим.

Таъкидлаш зарурки, ўқитувчининг технологик маданияти педагогик маданият ва педагогик маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади. Технологик маданиятли ва юксак касбий педагогик профессионалликка эга ўқитувчи педагогика фани ва амалиётини бирлаштиради.

Тадқиқот даражаси шу билан тавсифланади, ўқитувчи илмий билимдан фойдаланувчидан уни яратувчисига айланади. Янгилик яратувчи ўқитувчи-педагоглар амалиётнинг илмий салоҳиятини, тадқиқот фаолияти учун керакли тадқиқот майдонининг мавжудлигини намойиш эта оладилар.

Шундай килиб, педагогик маҳорат ўқитувчи-педагогларнинг күнікмалари таркибига амал қиласи ва амалий фаолиятда улар орқали руёбга чиқади. Шу сабабли педагогик маҳорат ўқитувчининг педагогик маданияти ва педагогик күникма, этикасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Педагогик ижодкорлик. Олий таълим муасасаси таълим жараённанда инновацион технологиялардан фойдаланиш бевосита таълим жараённини амалга оширувчи ўқитувчиларга алоҳида талаблар қўяди. Амалий фаолиятга ижодкорона татбиқ этишининг асосий таянч нуқталари ҳисобланган, ўз-ўзини такомиллаштириш технологиясининг концептуал асосларини, асосий қоидаларининг моҳиятини ўзлаштирган педагог талabalарга таълим ва тарбия беришда инновацион ғояларнинг етакчиси бўла олиши мумкин. Бу эса қуйидагиларни тақозо этади:

а) у талабани тинглай билади ва уни эшита олади, шахсий фикрларини ифодалашига, очиқдан-очиқ қарши чиқишига бағрикенглик муносабатида бўла олади, ўзаро тенглик ва ишончга асосланган муносабатларни ўрната билади, вазиятдан муносиб равишда чиқа олади;

б) педагог янги ғояларни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, ғоя ва фикрларини бемалол, эркин ифодалаш мумкин бўлган мұхитни яратади;

в) қийин ёки низоли вазиятларда айбдорни эмас, кескинлик ва ихтилофларнинг келиб чиқиши сабабларини излайди;

г) талabalар жамоасида мўътадил психологик мұхитни яратади, уларнинг муваффакиятлари ва хизматларини тан ола билади.

Ижодкор педагог ўз касбининг етук устаси – устоз педагог, маълум педагогик маҳоратга эга шахс ҳисобланади. Педагог барча вазиятларда ҳам ўз фаолиятини муваффакиятли олиб бориши учун доимий равишда ўз билим ва маҳоратини ошириб, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни,

илғор педагогик тажрибаларни, метод ва усулларни мунтазам ўрганиб, касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириб боради.

Ижодкорлик – янги моддий ва маънавий қадриятларни яратиш билан натижаланадиган фаолият тури

Педагогик ижодкорлик – 1) таълим берувчи томонидан ўқув-тарбия вазифаларини юксак сифат даражасида ўзгача ҳал этилиши. 2) таълим-тарбия амалиёти ва назариясининг бойитилиши.¹

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикарлашнинг илмий таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиш ва ҳоказолар)нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бундай ўқитувчининг касбий фаолияти унинг ҳамкаслариникidan янги ёндашув ҳамда воситаларни топиш борасида тинмай изланиш олиб боришида намоён бўлади. Педаголар орасидаги ижодкор индивидуалликнинг ёрқин намунаси сифатида ташаббускор ўқитувчиларни кўрсатиш мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Технология таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик мухим сифатларини санаб беринг?
2. Технологик таълими ўқитувчилари талабаларнинг касбий сифатларини шакллантириш йўллари.
3. Технологик таълими ўқитувчилари талабаларда касбий сифатларни шакллантириши учун унинг фаолият йўналишлари.
4. Технологик таълими ўқитувчилари касбий сифатларининг шаклланиш функциялари?
5. Технология таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлиги.
6. Технология таълим ўқитувчилари касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантиришнинг шартларини баён қилинг.

¹ Педагогик атамалар лўғати / Джураев Р.Х., ва б. “Фан нашриёти”. Т.: 2008. -137 б.

4 - МАВЗУ: ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ТУРЛАРИ, ЙЎНАЛИШЛАРИ, ТИПЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ. ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМГА ОИД ФАНЛАР БЎЙИЧА МАШГУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ, ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ.

Режа:

1. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари.
2. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машгулотларни ташкил этишда таълим шакллари.
3. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машгулотларни ташкил этишда таълим воситаларининг роли.

Таянч тушунчалар: *Интеграция, машгулотлар, синф-дарс тизими, таълим шакллари, таълим воситалари.*

4.1. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Илм-фан йўналишларининг ўзаро алоқадорлиги ўз моҳиятига кўра мос ҳолдаги фан асосларини намоён қилувчи ўқув фанларида акс этади. Ҳозирги замон илм-фанининг барча тармоқлари бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, шунинг учун ҳам ўқув фанлари бир-биридан ажралиб қолиши мумкин эмас. Фанлараро интеграция касбий тайёргарлик жараёнида илм-фан асосларини чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштиришнинг асосий шарти ҳамда воситаси бўлиб саналади, билимларни янада чуқурроқ ўзлаштиришга, илмий тушунча ва қонунларнинг шаклланишига, ўқув-тарбиявий жараёнларни такомиллаштиришга ва уни мақбул ташкил этишга, илмий дунёқараш шаклланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, улар ўқувчилар билимининг илмий даражасини оширишга, мантикий фикрлашлари ва ижодий қобилиятларини ривожланишига имкон туғдиради. Фанлараро интеграцияни амалга ошириш, дастурий материални ўрганишда тақрорланишни бартараф қиласи, вақтни тежайди ва ўқувчиларнинг билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантиради.

Фанлараро интеграция муаммосини тадқиқ қилишдаги ёндашувларнинг ҳар хиллигига, Фанлараро интеграцияни рўёбга чиқариш билан боғланган турли педагогик масалаларни ҳал қилишга интилишга боғлиқ ҳолда фанлараро интеграция атамасини таърифлашнинг нафақат ҳар хил турлари, балки фанлараро интеграция турларини таснифлашнинг ҳар хиллари ҳам мавжуд.

Кўпгина муаллифлар таъкидлашларича, фанлараро интеграцияни амалга ошириш ўқитишининг барча функцияларини – таълимий, ривожлантирувчи, тарбиявий ва қизиқтирувчи функцияларини амалга оширишга ёрдам беради. Машгулотларда фанлараро интеграция самарали амалга ошириш шаклларидан бири бўлиб, амалий тавсифли масалаларни ечиш ҳисобланади.

П.Н.Новиков фанлараро мазмунга эга мажмуавий тавсифли масалани қўйидагича таърифлайди: "... Бунинг шарти ва талаби асосий ҳамда ёндош

фанларнинг компонентларини ўз ичига олган, ечилиши ва таҳлили берилган фанлар орасидаги алоқадорликни белгиловчи тушунчаларнинг ҳажми ва мазмунини янада чуқурроқ ва тўлароқ очишга ёрдам берувчи масаладир”. П.Н.Новиков бундай масалаларни асосий ва бир-бирига боғлиқ фанлар мавзуларининг нисбати бўйича қўйидаги учта турга ажратган [93]:

- Шаклий (формал) масала – бундай масалаларнинг ифода қилинишида бошқа фанга тегишли параметрлар (атамалар, белгилар каби) мавжуд бўлиб, улар масалани ечишда бевосита иштирок этмайди;
- Муҳим аҳамиятга эга масала – бундай масаланинг ифода қилинишида бошқа фан мавзулари мазкур масалани ечиш учун очик-ойдин берилмайди, лекин уни қўлламасдан ҳам ечимни топиш мумкин эмас;
- Муҳим аҳамиятга эга шаклий – бундай масаланинг ифода қилинишида ечим учун зарур бўлган ёндош фан мавзуси очик қўринишида берилади.

Муаллиф иккинчи хилдаги масалаларнинг алоҳида аҳамиятини ажратиб кўрсатади, чунки улар энг яхши даражада “бир-бирига боғлиқ фан мавзусини мустақил ва мантиқан асосли ҳолда танлаш малакасини ривожлантиради... бу мавзунинг аҳамияти асосий фанни ўрганиш учун тушунишга ёрдам беради”.

Фанлараро интеграциянинг умумкасбий, маҳсус ва бошқа ўқув фанларида ўрнатилиши ўқитишининг амалий йўналтирилганлигини таъминлайди.

Педагогикада Фанлараро интеграция муаммоси энг аввало, асосий диққат эътиборни ўқув режасига кирган фанларни ўрганиш тартибини мувофиқлаштириш ва таҳсил олувчиларда мазмунан мукаммал, мантиқан тугал тизимли билим, хатти-ҳаракат методлари ва шахсий фазилатларни шакллантиришга қаратилган.

О.А.Абдукудусовнинг фикрича фанлараро интеграцияни амалга оширилишига қуйидагилар маълум маънода тўсқинлик қиласди:

1. Фанларида ўзаро мувофиқлаштирган атама ва тушунчаларнинг қўлланиши;
2. Ўқув материалларидан ғоя, назария, масала ёки тушунчаларнинг ажратиб кўрсатилмаганлиги;
3. Илмий билимларнинг ички алоқадорлигини ҳисобга олинмаганлиги;
4. Ўқув фанларининг ягона мақсадни кўзда тутмаганлиги кабилар.

Фанлараро интеграция – бу реал борлиқ алоқаларидир, улар дунёнинг объективлигини акс эттиради ва шунга қўра ўқитишининг мазмуни, методлари ва ташкил этиш шаклларини белгилаши лозим. Айнан мана шу йилларда фанлараро интеграциянинг асосий дидактик вазифалари, уларни ўқув машғулотларида амалга ошириш методлари аниқланди.

“Фанлараро интеграция ўқитишининг замонавий жараёнларини, ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини ривожлантиришнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бутун ўқитиши жараёнини янада юқори босқичга кўтара туриб, Фанлараро интеграция ўқув жараёнининг ривожлантирувчи,

таълимий функцияларининг бирлигини таъминлаш билан кўп томонлама таъсир кўрсатади.

Фанлараро интеграция – бу узлуксиз алоқада бўлган ягона бутунни яратиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланади.

Шунинг учун фанлараро интеграция деганда биз таълим-тарбиявий жараёнларда амалга оширилиши билан билимларнинг умумлашишига, тизимлашишига ва мустаҳкамланишига, умумлашган кўникма ва малакаларнинг, якуний натижада эса – ҳар томонлама ривожланган шахснинг илмий дунёқараши ҳамда сифатларининг шаклланишига ёрдам берадиган ўқув фанлари мақсадлари, вазифалари ва мазмуний элементларининг ягоналигини тушунамиз. Маълумки, тизим маълум бир мақсадларга эришишга хизмат қилувчи бир бутунликни кўзда тутади. Тизим сифатида эса биз касб-хунар таълими тизимини олишимиз мумкин. Ўқув фанлари ичida билимларнинг алоҳида тизимини мантикий алоқадорлики ўқитиш мазмунида ўз аксини топади. Чунки исталган ўқув фани мазмунини дидактик тизим деб қараш мумкин бўлиб, унда боғловчи вазифани етакчи тушунча ва ғоялар бажаради. Етакчи тушунча ва ғоялар фан мазмунида тизим ҳосил қилувчи алоқадорлик вазифасини бажариб, уларнинг атрофида унинг тузилмавий элементларини ягона тизимга бирлаштиради. Етакчи тушунча ва ғоялар ўқитиш жараёнида мужассамлаштирувчи вазифани бажариши ҳам мумкин. Фанлараро интеграция асосида ўрганилаётган мавзулар ўқувчилар билиш фаолиятининг умумлашган хусусиятига ёрдам беради.

Фанлараро интеграция ҳар хил даражаларда амалга оширилади:

- турли туркумларга тегишли бўлган ўқув фанлари даражасида (умум ўқув фанлариаро ёки туркумлараро алоқадорлик);
- ўқув фанларининг бир туркум ўқув фани даражасида (ички алоқадорлик);
- ички ўқув фани даражасида.

Фанлараро интеграциянинг ҳозирги замон талқини қуйидаги категориялар ва тушунчалар – бир бутунлик, вужудга келиш ва ривожланиш, манфаатлар муҳокамаси, мажмуавий билиш, тизимли ёндашув, онг ва амалиётнинг ижтимоийлашшуви XXI аср ягона умумий тенденциясининг турли жиҳатларини тавсифловчи бошқа хусусиятлари – янгича фикрлашнинг пайдо бўлиши тизимида ёритилади.

Фанлараро интеграция энг аввало, ўз тузилмасига қўра тавсифланади, чунки предметнинг ички тузилиши унинг шаклини белгилайди, шунга қўра биз алоқадорликнинг қуйидаги шаклларини ажратиб кўрсатамиз (1-жадвал):

1-жадвал:

Фанлараро интеграция шакли ва турлари бўйича таснифи:

Фанлараро интеграция шакллари	Фанлараро интеграция турлари	Фанлараро интеграция турларини ташкил этувчи ўқув материаллар мазмуни
Таркиби бўйича	1. Мазмуни бўйича	Далиллар, тушунчалар,

		қонунлар, назариялар бўйича	
	2. Бажариладиган операциялари бўйича	Шакллантириладиган кўникмалар, малака ва фикрлаш операциялари бўйича	
	3. Методик қўлланилиши	Педагогик методлардан фойдаланиш бўйича	
	4. Ташкил этилиши бўйича	Ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкил этиш шакллари ва методлари бўйича	
Алоқадорликнинг йўналишлари бўйича	Бир томонлама; Икки томонлама; Кўп томонлама.	Тўғри; Тескари (қайтар) ёки тикланувчи.	
Алоқадорликни ташкил этувчи элементларининг ўзаро таъсири бўйича	Вакт омнига кўра	Хронологик Хронометрик	Изчилликдаги; Синхрон; Истиқболдаги. Локал; Ўртacha вакт давомидаги; Узоқ вакт давомидаги.

Биринчи шаклда Фанлараро интеграциялар турларини таркиби бўйича ажратамиз. Фанлараро интеграция таркиби бўйича аниқ мавзуни ўрганишда бошқа ўқув фанларидан нималар олинишини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, Фанлараро интеграция таркиби кўникма, малака ва фикрлаш операциялари билан шаклланадиган ўқув мавзусининг мазмуни билан белгилангани учун уларнинг биринчи шаклида Фанлараро интеграцияларнинг қуидаги хилларини ажратиш мумкин: Мазмуни бўйича – ўрганилаётган мавзу мазмуни бўйича турли ўқув фанларида ўрганиладиган тушунчалар, ҳодисалар, жараёнларни талқин қилиш бирлиги бўйича;

1. Бажариладиган операциялари бўйича – фанлараро хусусиятда шаклланадиган кўникмалар, малакалар ва фикрлаш операциялари бўйича;

2. Методик қўлланилиши – турли ўқув фанлари бўйича ўқув ишлари методларини келиштириш, турли ўқув фанлари мавзуларини ўрганишда бир хил методларни қўллаш (график, таҳлилий);

3. Ташкил этилиши бўйича – орасида алоқадорлик ўрнатиладиган ўқув фанлари бўйича машғулотларни ташкил этиш шакллари ва тузилмасини мос келиши.

Иккинчи шаклда Фанлараро интеграция турларини ташкил этувчи ўқув материаллар мазмуни бўйича ажратамиз.

Фанлараро интеграциянинг хатти-харакат методларининг йўналишлари бўйича Фанлараро интеграция асосда ўрганилаётган бир (бир томонлама), икки (икки томонлама) ёки бир нечта (кўп томонлама) ўқув фанларининг

аниқ кўриб чиқилаётган ўқув мавзуси учун фанлараро ахборот манбаси бўлиб ҳисобланишини кўрсатади.

Фанлараро интеграциянинг хатти-харакат методларининг йўналишлари бўйича турлари фанлараро ахборот базавий ўқув фанининг ўқув мавзусини ўрганишда фойдаланиши (тўғри алоқадорлик) ёки мазкур мавзу шунингдек бошқа мавзулар, бошқа ўқув режасидаги фанлар учун ҳам (тескари алоқадорлик) фойдаланилаётган ёки йўқлигини билдиради.

Фанлараро интеграциянинг учинчи, вақт омили бўйича шаклида алоқадорликнинг қуидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

1. Хронологик – бу амалга ошириш кетма-кетлиги бўйича алоқадорликдир;

2. Хронометрик – алоқадорликни ташкил этувчи ўзаро харакатлар давомийлиги бўйича алоқадорликдир.

Вақт омилига кўра:

- бошқа фанлардан жалб қилинган қандай билимлар ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган, қайсиларини эса келгусида ҳали фақат ўрганишгина талаб қилинади (хронологик алоқадорлик);

- қайси мавзу фанлараро интеграцияни амалга ошириш жараёнида ўрганиш муддати бўйича етакчи саналиши, қайси бири эса етакланувчи эканлиги (хронологик синхрон алоқадорлик);

Фанлараро интеграцияни амалга ошириш жараёнида мавзуларнинг ўзаро харакати қанчалик узоқ давом этиши кабиларни кўрсатади.


4.2. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари. Ҳозирги вақтда Республикаиз профессионал таълими тизимида руй бераётган ўзгаришлар, касб ва технология таълими ўқитувчilarини тайёрлаш, уларнинг профессионал фаолиятини янада ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Уларнинг профессионал фаолияти ўқув машғулотларини инновацион ва технология ёндашувлар асосида ташкил этиш, ўқитишининг интерфаол таълим методлари, ҳамда воситаларидан кенг фойдлана олиш компетенциялари билан бевосита боғлиқ. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шаклларидан ноанъанавий таълим муҳим ўрин эгаллади.

Ноанъанавий таълим - талabalарни ўз касбига қизиқтирувчи, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчى, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради. Тажрибаларда таъкидланганидек, агар машғулот одатдаги - фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талabalар ахборотнинг кўпи билан 20 фоизини ўзлаштирган бўлса, илғор педагогик усуллардан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич 80-90 фоизгача ошганлиги тасдиқланган.

Ноанъанавий таълимнинг самарадорлиги яна шундан иборатки, унинг қатнашчилари яхлит тизимли билимга эга бўлади ва мустақил - ижодий фикрлаш қобилиятлари ривожланиши негизида бўлажак касбий фаолиятга

оид бошланғич кўникмалар шакллантирилиб, ўқув-тарбиявий жараённи амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлайди. Шунинг учун ҳам у, ривожлантирувчи ўқитишининг юқори самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аниқ муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Хозирги кунда, таълим муассасаларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг таркалган. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тўзум манфаатларига мос холда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастрлабки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан ўзвий боғланган хамда билим бериш, ўргатиш ишлари якка тартибда олиб борилган.



Давр ўтиши билан купчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Таълим тизими мазмуни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гурух-гурух қилиб, тўплаб ўқитишини тақозо қилган хамда таълим билан шугулланувчи мутахассислар, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чикарган.

Шу даврга келиб ўқитишининг маҳсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлайди. Бунинг натижасида синф-дарс тизими пайдо бўлди. Халк орасида хаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият курсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шугулланганлиги «Авесто» ва бошка тарихий манбалардан маълум. Аммо кадим даврларда таълимни катъий чегараланган вактда, бир хил ёщдаги болалар билан олиб бориш, таълим мазмунини боскичма-боскич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Ал-Форобий «Фан ва акл заковат» асарида ўқув фанларини гурухларга бўлиб ўқитиши, уларнинг тарбиявий можиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида таълим ташкил этишнинг асосий шакли дарс хисобланган. Синф-дарс тизимини дидактик талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) хизматлари катта, уни синф-дарс тизимининг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А Коменский «Буюк дидактика» асарида ўқув машғулотларини гурух шаклида ташкил килиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вактда бошлаш, машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гурухлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида

ўқувчилар диккатини туплаш, материалларни батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат килиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда Педагогика фани олдида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шаклларини самарадорлигини ошириш, айникса, дарсни самарадорлигини ошириш билан боғлик илмий-назарий услубий ва амалий муаммоларни хал этувчи тадқиқотлар олиб боришда кўпгина амалий ишлар бажарилган. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда таълим тизимига янги педагогик технологиялар тадбик этиш билан боғлик ишлар килинмокда.

Синф деганда, ёши ва билимларни ўзлаштириш даражаси ўртача бир хил бўлган ўқувчилар грухи тушунилади.

Дарс – аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вактда бир хил ёшдаги ўқувчи, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигига олиб бориладиган машғулотдир.

Дарснинг мақсади, мазмуни, хажми таълим стандартлари (ўқув режа, дастур, дарслик ва қўлланма) асосида белгиланади. Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда қўйидагиларга амал килиниши лозим:

Хар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлиши лозим.

Дарс катъий жадвал буйича белгилинаган аниқ муддатда олиб борилиши керак.

Дарс ўқитувчи раҳбарлигига бутун синф билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади.

Дарс ўқув фанининг характеристи, утилаётган материалнинг мазмунига караб турли усуллар ва воситаларда олиб борилади ва таълим тизимининг бир кисми сифатида тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштирумок учун замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим ишлари факат синф-дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машғулотлар, тажриба ишлари шаклида хам олиб борилади. Бу машғулотлар синфдан ва мктбдан ташкарида факультатив машғулотлар, тугараклар, экскурсиялар шаклида олиб борилади.

Дарс – таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустахкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинан холда ташкил этилиши дарс олдига катор дидактик талабларни куяди.
Жумладан:



Хар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган холда пухта режалаштирилмоги лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълими ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс боскичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш кургазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан хал килиб олади. Хар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи эса улардан тарбиявий мақсадда фойдаланмоғи лозим.

Хар бир дарс мактабнинг, ижтимоий мухитнинг имкониятини хисобга олган холда амалиёт билан боғланмоғи, курсатмали воситалар билан жихозланмоғи лозим.

Хар бир дарс характеристига мос усул, услуг ва воситалардан самарали фойдаланилган холда ташкил этилиши лозим.

Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш ва унумли фойдаланиш даркор.

Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозим, ўқувчи талаба пассив тингловчига айланмалиги лозим.



Машғулотлар бутун синф билан ва хар бир бир ўқувчи билан, уларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган холда олиб борилиши керак.

Олий таълим тизимида хусусан Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари танлашда профессор-ўқитувчининг ўқув машғулотларига тайёргарлик жараёни мухим аҳамият касб этади.

В.В.Давыдов, Л.В.Заньковлар фикрига кўра ўқитувчи **инновацион фаолиятининг** асосий функциялари педагогик жараён ва унинг компонентларидаги қуйидаги ижобий ўзгаришлардан иборат дейдилар.



Таълим муассасаларида ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли қуидагича амалга оширилади:



Олий таълим тизимда маъруза ўқув жараёнинг хам усули, хам шакли хисобланиб, у талабаларга фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам сингдиришга хизмат килади. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради хамда уларни эркин фикрлашга, фан устида уйлашга мажбур этади. Шу сабабли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг узига хос мактабига айланади. Маърузани шундай укиш лозимки, унинг таъсирида талабаларда шу фанга унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли карашлар, илмий эътиқод, гоя ва миллий мафкура асослари шакллансин. Бунинг учун укитувчи хар бир маъruzанинг мазмунинни фандаги янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий хамкорликка таяниб ташкил килинганда гина самарали натижа

беради. Бунинг учун маъруза жараёнида хам таълимий, хам тарбиявий вазифаларни самарали амалга ошириш йулларидан бири – ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олинишдан иборат.

Бундан ташкири дарс ва маъruzанинг самарали натижаси укувчи ва талабаларинг укув жараёнидаги руҳий холатларини кай даражада хисобга олинишига хам боғлик. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш, унинг дарс, маъруза ва бошка шаклларидан укитиш жараёнида уринли фойдаланишлари учун шубҳасиз укитувчининг педагогик маҳорати, педагогик маданияти, уз предметини пухта билишлiği ва укувчи талабалар билан умумий тил топа олишлiği гоят катта ахамиятга эгадир.

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиши, билим, қўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади.

4.3. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим воситаларининг роли. Мутахассис модели таълим мақсадларини аниқлашнинг асоси сифатида Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаол усуслар ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Лекин таълимий жараённи технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, қўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи бажара олиши мумкин.

Технологик билимлар тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат: – тушунчага оид қисм - технологиялаштиришнинг мураккаброқ бўлган тоифа ва қоидларини ўрганишга йўл; – таълим технологиясининг таркибий қисм ва ҳаракатланувчи тузилма - таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча; – талимий технологияларнинг концептуал асослари - ҳар қандай таълим технологияси негизига педагогик ва психолого-педагогик фанлар ютуғида ифодаланган педагогик гоя асос бўлади; – мақсадни белгилаш - агар педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўкув фаолиятининг якуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳлаштириш мумкин; – таълим бериш модели – мақбул йўллар (усул ва шакллар) ва воситалар йиғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вактда объектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича қўзланаётган натижаларга эришиш кафолати; – бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси: башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув хулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг.

Ўқитиши режасини тузишнинг ҳар босқичида ўқитувчининг бошқарув ҳаракатларини кўриб чиқамиз. Мақсадни белгилаш - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўкув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргалиқдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради. Ташхис - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий - техник имкониятларни ўрганиш. Бу

мақсадни тўғрилаш зарурлигига ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради. Башорат қилиш - ўрнатилган вақт ичида мавжуд шароитларда педагогик ва ўқув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш. Лойиҳалаш - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси ва йўлларини аниқлаш. Ташхис, башорат қилиш ва лойиҳалаш режани ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади. Режалаштириш - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади. Ташкиллаштириш - таълим берувчи томонидан талабаларни белгиланган ишга жалб қилиш, белгиланган мақсадга эришишда улар билан ҳамкорлик қилиш. Ахборотли таъминлаш - ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиб беришнинг йўл ва воситаларини амалга ошириш. Бунда йиғилган ахборот жараёнининг боришини тезкорликда ўзгартиришни, таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни, самарали воситаларни киритишга имкон беради. Назорат, баҳолаш ва ўзгартириш киритиш - ривожланиш жараёнинг таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни яратиш, педагогик таъсир этиш обьекти ўзгаришини мувофиқлаш. Тугалланган жараён таҳлили- самарасизликни, уларни пайдо бўлиш сабабини аниқлаш, келгуси такрор ишлаб чиқиладиган даврда унга йўл қўймаслик чораларини аниқлаш.

Таълим воситалари: таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган методларни муваффақиятли натижага эришиши учун ишлатиладиган ўқув асбобларидир. Улар иссиқлик сифимини ўлчаш асбоби, компьютерлар, турли хил лабораторияда ишлатилувчи аппарат турлари, ўлчаш асбобларидан ташкил топиши мумкин.

Таълим воситалари талабаларни амалий ишларни бажаришида ҳамда малака ҳосил қилишида шароитида бу янада катта аҳамият касб этади. Замонавий университет битирувчиси турдош мутахассисликлар бўйича ишларни бажариш, янги технологияларга эркин мослашиш, заруратга кўра, малакасини ошириш, ихтисослигини ўзгартиришга тайёр бўлиши лозим. Мутахассисга қўйиладиган талаблар мажмууда ахборот оқимида эркин йўналиш танлай олиш ва мустақил таълим ҳамда билим олиш кўникмаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ) - ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимли етказиб беришга ёрдам беради; талабаларга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради.

Ёрдамчи таълим воситалари (ЁТВ) – графиклар, чизмалар, намуналар ва ҳ.к. бошк.

Ўқув - услугий материаллар (ЎУМ) - ўқув материаллар, ўзлаштирилган ўқув материалларини мустаҳкамлаш учун машқлар. Булар талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштиришга ёрдам берадилар. Талабаларни ўқув - билиш фаолиятларини жадаллаштиришга ёрдам берувчи ҳар турдаги таълим

воситаларини танлаш ва улардан фойдаланиш қўйидагиларга боғлиқ: 1) мақсадни белгилаш; 2) асосий билим манбаига; 3) таълим усулига; 4) ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблигига; 5) талабаларни ўқув имкониятларига.

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар:

- Мақсадни белгилаш;
- Ўқув ахборот мазмуни;
- Таълим воситалари;
- Етакчи билим манбай;
- Ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

Талабаларни ахборот билан ишлаш: ишончли манбаларни излаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, олинган натижаларни тақдим қилиш методларига ўргатишга оид ихтисослаштирилган курсларни жорий этиш зарур. Булар хорижий етакчи таълим муассасаларининг кўпчилигига фаол кўлланиб келади. Ахборотнинг турли манбалари ва воситалари, жумладан, компьютер технологиялари билан эркин ва тез ишлай олиш малакаси замонавий ёш мутахассислар учун жуда муҳим. Мазкур фаолият тўғри ташкил қилинганида талабалар ўзларининг алоҳида эҳтиёжманд болалар билан ишлашга оид амалий кўникмаларини жиддий тарзда ошириш, шунингдек, ўзининг янги назарий билимларни эгаллашга мотивациясини кучайтириш, бўлғуси касбида яхшироқ йўналганлик касб этиш ва ОТМ таълим жараёнида фаолроқ иштирок этиш имконига эга бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

13. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари?
14. Фанлараро интеграция муаммосини тадқиқ қилишдаги ёндашувлар.
15. Фанлараро интеграциянинг умумкасбий, маҳсус ва бошқа ўқув фанларида ўрнатилиши.
16. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари.
17. Таълимни ташкил этиш шакллари ҳақида фикрингизни баён қилинг.
18. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим воситаларининг роли.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Мавзу: Олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш (2 соат).

Амалий машғулотдан күзланган мақсадлар:

Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбатини;

“Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини;

“Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-мохиятини ўргатишдан иборат.

Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.


Машғұлот интерфаол методлар ва турли графикилы органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

Амалий машғулотга доир графикли органайзерлар


1-амалий топшириқ. Шахсий ва касбий сифатларни берилгандай жадвал бўйича ажратиб кўрсатинг ва ҳар бир тушунчаларни изоҳлаб беринг.

2-амалий топшириқ. Креативлик тушунчасига оид қандай таърифларни биласиз? Қўйидаги расмни тўлдиринг!

Креативлик тушунчасига оид қандай таърифларни биласиз



3-амалий топшириқ. Технология ўқитувчисининг касбий компетентлиги намоён бўладиган ҳолатларни аниқланг!



КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИК
НАМОЁН
БЎЛАДИГАН
ҲОЛАТЛАР
НИМАЛАРДАН
ИБОРАТ

3-амалий топшириқ. Технология ўқитувчисининг касбий компетентлиги негизида намоён бўладиган сифатларни аниқланг!



НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Шахсий ва касбий сифатлар нималардан иборат ва уларнинг қиёсий нисбатини тушунтириб беринг?
2. Креативлик ва компетентлик нима?
3. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини изоҳланг?
4. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
5. П.Торренс фикрича, “Креативлик” тушунчаси негизида қандай тушунчалар ёритилади?
6. Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?
7. Педагог қандай касбий компетентлик сифатларига эга бўлиши керак?

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Интерфаол таълим методлари: ўқув лойиҳаси, кейс-стади SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш методикаси (4 соат).

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида меҳнат таълимига оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикасига оид маълумотларни тизимлаштириш ва мавжуд кўникмаларни ривожлантириш .

Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

Тингловчига эслатма

Компетентли ижодкор педагог ўз касбининг етук устаси – устоз педагог, маълум педагогик маҳоратга эга шахс ҳисобланади. Технология таълими ўқитувчиси барча вазиятларда ҳам ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бориши учун доимий равишда ўз билим ва маҳоратини ошириб, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни, илфор педагогик тажрибаларни, метод ва усулларни мунтазам ўрганиб, касбий-педагогик ижодкорлигини ва касбий компетенцияларини ривожлантириб беради.

Ижодкорликни ривожлантиришда инновацион технологияларни қўллаш самарали натижа беради Жумладан “SMART technology” айни пайтда технология оламида кенг қўлланилувчи ибора бўлиб, Specific (ўзига хос), Measurable (ўлчаб бўладиган), Attainable (эришиб бўладиган), Relevant (долзарб), сўзларининг қисқартмасидан олинган. Мазкур технология машғулотларни бошқарув жараёнларини ахборотлаштиришга қаратилган маълумотлар базаларини, ахборот тизимларини яратиш, улардан фойдаланиш, хизматлар қўрсатиш ҳамда бошқа ахборот тизимлари билан интеграциясини амалга оширадиган технология сифатида қаралади.



1- расм “SMART technology” дан фойдаланиш

Топшириқ. Ўрганишлар давомида талабаларнинг малакавий педагогик амалиётини “SMART technology” асосида ташкил этишни йўлларини ишлаб чиқинг.

- **Specific** (ўзига хослик, аниқлик) –.
- **Measurable** (ўлчаб бўладиган) –.
- **Attainable** (эришиб бўладиган) –
- **Relevant** (долзарб, эркинлашган) –.
- **Time-bound** (аниқ муддатли) –.

Ўқитувчининг ечими

- **Specific** (ўзига хослик, аниқлик) – малакавий педагогик амалиётнинг бўлажак ўқитувчи касбий-педагогик фаолияти учун жуда муҳим ахамиятга эга эканлиги ҳамда амалиёт жараёнида эришиладиган аник мақсадга эгалиги. Эришиладиган мақсад сифатида бўлажак ўқитувчининг олган назарий билимлари ва амалий қўнималарини амалиётда қўллай олиши синовдан ўtkaziladi. Дарсга тайёргарлик кўриши, ташкил эта олиши ва бошқара олиши ўзига хос тарзда амалга оширилиши учун ахборот тизимиға ҳамда механизмларига эгалиги илмий асосланади.
- **Measurable** (ўлчаб бўладиган) – Малакавий педагогик амалиёт боланишидан олдин ва ўтаб бўлганидан сўнг олинадиган натижаларни мезонлар асосида қиёсий таҳлил қилинади. Кўйилган мақсадга яъни педагог сифатида касбий-педагогик изодкорлик даражаларининг ривожланганлиги хисобга олинади. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик


ижодкорлигини ривожланганлик даражасини аниқловчи мезонлар асосида натижадорлик таҳлил қилинади ҳамда керакли хуносалар чиқарилади.

- Attainable (эришиб бўладиган) – Малакавий педагогик амалиётнин белгиланган талаблар асосида ва мақсадга эришиш нуқтаи назаридан тўғри ташкил этилиши олдиндан башоратланган натижага эришиш имконини беради. Малакавий амалиётнинг аввал пассив ва кейинчалик фаол тарзда ташкил этилиши натижаларнинг яхши бўлишига замин тайёрлайди. Хар бир талаба ўзининг бўлажак касбий фаолияти бўйича тегишлича хуносалар чиқариб олади.

- Relevant (долзарб, эркинлашган) – Малакавий педагогик амалиётда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорликларини ривожлантириш, ўз касбий компетентлик даражаларини ошириш, касбий акмеологияга эришишда мустақил ва эркин таълим олишлари ва ўз устиларида ижодий ишларни кафолатланади. Малакавий педагогик амалиётга чиқсан талabalар ўз портфолиоларини тўлдириб боришади. Охирги натижадорлик мақсадга эришилганлик даражалари таъминланади.

Time-bound (аниқ муддатли) – Малакавий педагогик амалиётнинг тизимли ва изчил тарзда ташкил этилишига эришилади. Амалиёт давомида бажариладиган ишларнинг аниқ муддатлари белшилаб берилади. Хар бир топшириқнинг ўз вақтида ва самарали бажрилиши “Устоз-шогирд” тизими бўйича бириктирилган устозлари томонидан назоорт қилиб борилади. Пассив ва фаол амалиёт давомида бажарилган вазифалар талаба портфолиосида сақланади ва баҳолашда фойдаланилади.

Иккинчи топшириқ. Талabalарнинг касбий-педагогик ижодкорликни ривожлантиришнинг алгоритмик харитасини ишлаб чиқинг!



Ўқитувчининг ечими


Кириш: аудитория (талабалар)

Ўқитувчи томонидан мустакил ишлар, муаммоли вазиятли топшириклар, ижодкорликка йўналтирилган масалалар ечимини топишда ноанъанавий, ўзига хос гояларнинг кўллаб-куватланиши, интерфаол методларнинг кўлланилиши каби ечимларни таклиф этиш имконияти берилади. Талабаларда ўз “МЕН”ини намоён қилиш хислатлари уйғонади ва топшириқ ижросига фаол киришади.



Тайёрланиш

Талабаларни субъект даражасида, мустакил ҳаракат қила олиш, ўз фикрини баён қила олиш, хуносалар чиқаришда анализ ва синтез қилиш, баҳолай олиш мухитини шакллантириш



Натижа ва ютуқлар

Касбий-педагогик ижодкор, компетентли мутахассис

Учинчи топшириқ. Графики органайзерлар асосида ишлаб чиқилган мавзуга оид топшириклар келтирилган бўлиб, уларда келтирилган саволларнинг жавобларини топинг ва мисоллар билан тушунтириб беринг.

“Мехнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзгартирилишининг қандай омиллари мавжуд?



Тўртинчи топшириқ. Технология ўқув фанини ўқитишининг асосий мақсади ва вазифалари амалдаги меҳнат таълими фани мақсад ва вазифаларидан қандай фарқли томонлари бор?



3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Мавзу: Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сухбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш (2 соат)

Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар: Тингловчиларда Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик сухбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш бўйича малакаларини ривожлантириш.

Тингловчилар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар.

Амалий машғулот интерфаол методлар ва турли графикли органайзерлар ёрдамида ташкил қилинади.

1-топшириқ. Ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларини инобатга олиб, мактабда касбга йўналтириш ишларининг йўналишлари ва мазмунига оид тушунчаларни изоҳланг!

№	Йўналишлар	Мазмуни
1.	Ижтимоий йўналиш-	
2.	Иқтисодий йўналиш-	
3.	Психологик йўналиш-	
4.	Педагогик йўналиш –	
5.	Тиббий-физиологик	

	йўналиш-	
--	-----------------	--

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти

№	Йўналишлар	Мазмуни
1.	Ижтимоий йўналиш-	ўқувчиларда касбнинг асосий йўналишларини шакллантириш, танланган касб ходими ёки шу тизимга қўйиладиган малака талабларини ўрганиш билан белгиланади.
2.	Иқтисодий йўналиш-	юқори синф ўқувчиларининг жамият эҳтиёжлари ва шахснинг имкониятлари (мехнат бозорини ўрганиш)га мувофиқ касб танлашни бошқариш жараёнидир
3.	Психологик йўналиш-	касбий йўналишни шакллантиришда шахснинг таркибини ўрганиш (танланган касб афзалликлари (имкониятлари))дан иборат
4.	Педагогик йўналиш –	касб танлаш ва касбий қизиқишилгининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлганмослашувини шакллантириш билан боғлиқдир
5.	Тиббий- физиологик йўналиш-	касб танлаш ўқувчилар саломатлигининг психофизиологик ҳолатига мувофиқ ташкил этилади

2-топширик. Хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, бир-биридан фарқ қилувчи турли хил кўринишдаги тизимнинг объективлигига мувофиқ, касбларни бешта асосий турга ажратиш мумкин:

«Одам-табиат» (Т), «Одам-техника» (Т₁), «Одам-одам» (О), «Одам-белги» (Б), «Одам-бадиий қиёфа» (К).

Тингловчиларга қуидаги жадвални тўлдириш талаб этилади.

Тингловчи учун иш вароги

Касб турларининг шартли номлари	Мехнат предметларининг тавсифи	Касбий- технologик маълумот	Ўрта махсус маълумот	Олий маълумот
«Одам- табиат»				
«Одам- техника»				
«Одам-одам»				
«Одам-белги»				
«Одам-бадиий қиёфа»				

Тингловчилар томонидан тўлдирилган жадвал ўқитувчининг варианти билан таққосланади.

Ўқитувчининг варианти


Касб турлари -нинг шартли номлари	Мехнат предметлари-нинг тавсифи	Касбий-технологик маълумот	Ўрта маҳсус маълумот	Олий маълумот
«Одам-табиат»	Тирик организмлар, биологик, микробиологик жараёнлар	Уруғчилик, чорвачилик	Техник-ўрмоншунос, зоотехник, флорист	Зооинженер, агроном, ветеринар шифокор
«Одам-техника»	Техник тизимлар, энергия, сунъий ва жонсиз табиат материаллари	Слесарь, машинисти автокран	Техник-технолог, техник-курувчи	Инженер
«Одам-одам»	Одамлар, жамоа, гурухлар, ижтимоий жараён	сотувчи, парикмахер	Ҳамшира, МТМ тарбиячиси	Ўқитувчи, инженер, менеджер
«Одам-белги»	Шартли белгилар, рақамлар, кодлар, табиий ва сунъий тиллар (формулалар)	Терувчи (саҳифаловчи), чизмачизувчи, компьютер оператори	Молиячи, иқтисодчи	Инженер-иқтисодчи, редактор
«Одам-бадиий қиёфа»	Бадиий образлар, унинг таркиблари, элементлари	Гравер, архитектура деталларини ёпишиштирувчи	Курувчи-пардозловчиконструкто, скульптор, дизайнер ижрочи	Рассом-конструктор, дизайнер, модельер, актёр

3- топшириқ. Таълим муассасаларида касбга йўналтириш ишлари дарс ва дарсдан ташқари соатларда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда касб турлари билан таништириш ҳамда ўйинлар орқали уларда турли касбларга бўлган илк қизиқишларни аниқлашдан, шунингдек, кўрган ва эшигтан маълумотларни ёдда сақлаш ва қайта тиклашнинг оддий ва мураккаб операциялари (касбий маълумотни қабул қилиш билан боғлиқ)ни,

умумий ўқув, меҳнат ва коммуникатив малака ва кўникмаларини (бирор бир касб учун аҳамиятли бўлган ўқув фанни ўзлаштириши билан боғлик) ривожлантиришдан иборат.

“Маиший хизмат техникаларини таъмирлаш” профессиограмма ўз хажмига муайян касб ҳақида, касб турлари, фаолият мазмуни ва шарти, мутахассиснинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда индивидуал хусусиятларига қўйиладиган талаблар, тиббий чекловлар, касбни эгаллаш ва уни амалиётда қўллаш, шунингдек, истиқболлари каби масалалар мажмуини камраб олган намуна асосида “Класстер” тақдим этилади! (слайд орқали).

Топшириқ. Тингловчилар Технология таълимига оид фанларданолиб борадиган машғулотига мос равишда бир касбни Класстерини яратиш талаб этилади.




4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Мавзу: Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш (2 соат)

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида интернет тармоғидан ахборотларни излаш, таҳлил қилиш асосида уларда креатив қобилиятни шакллантиришга оид кўникмаларини ривожлантириш.

Технология таълимида интернет технологияларидан фойдаланиш

1. **Технология** таълими ўқитувчиларни тайёрлашда янгиланган ДТС асосида мутахассислар тайёрланмоқда. Малака ошириш жараёнида замонавий таълим технологиялари асосида машғулотлар ташкил этилмоқда.



google - Поиск в Google

Результатов: примерно 2 750 000 000 (0,18 сек.)

Совет. По этому запросу вы можете [найти сайты на русском языке](#). Указать предпочтительные языки для результатов поиска можно в разделе [Настройки](#).

Google
www.google.ru ▾
Поиск информации в интернете: веб страницы, картинки, видео и многое другое.

Google Maps
maps.google.com/ ▾ [Перевести эту страницу](#)
Find local businesses, view maps and get driving directions in Google Maps.

Google
www.google.com.ua/ ▾ [Перевести эту страницу](#)
Пошукова система українською мовою. Пошук сторінок зі світу чи з України.

Новости по запросу google

Google Earth
earth.google.com/ ▾ [Перевести эту страницу](#)
Google Earth lets you fly anywhere on Earth to view satellite imagery, maps, terrain, 3D buildings, from galaxies in outer space to the canyons of the ocean.

Похожие запросы

YAHOO! Apple ebay Skype AOL

Отзывы Подробнее

http://www.google.ru/

Opera youtube - Поиск в Google

Результатов: примерно 2 120 000 000 (0,16 сек.)

YouTube
www.youtube.com/?hl=ru&gl=RU
Отправте видео друзьям, близким и всему миру.

YouTube
Youtube Upload - Music - Movies - ...
Whether you're doing research for a project, need help with ...

Education

Другие результаты с сайта youtube.com >

Новости по запросу youtube

Канал ELLO на YouTube лишился контента из-за жалобы правообладателей
Lenta.ru - 2 дн. назад
Администрация видеохостинга YouTube удалила весь контент российского канала ELLO, специализировавшегося на публикации ...

Земфира устроит прямую трансляцию концерта на YouTube
Lenta.ru - 5 дн. назад
РИА Новости запустило круглосуточный канал на YouTube
Lenta.ru - 6 дн. назад

YouTube (YouTube) on Twitter
https://twitter.com/YouTube • Перевести эту страницу
The latest from YouTube (@YouTube). Tweets on news, music and trends from all your favorite channels. San Bruno, CA.

YouTube - Приложения на Google Play
https://play.google.com/store/apps/details?id=com.google.youtube...
YouTube как стиль жизни. Загрузите официальное приложение YouTube для Android. Станьте зрителем, изучите кунг-фу и поделитесь контентом с ...

YouTube — Википедия

youtube - Поиск в Google

YouTube RU

vocational education

Фильтры

Результатов: 109 000

Vocational Education
ipariparktatabanya • 2 года назад • 1 747 просмотров


Finding Your Life's Work - 1940 Vocational / Educational Film
Ella's Archives • Год назад • 1 218 просмотров
Vocational guidance film targeted towards teenagers. The film was made at a time when America was starting to rebuild its HD

Vocational Education and Training in Switzerland
ELEMENT P - die Filmagentur • Год назад • 351 просмотр
HD

Governor Discusses Value of Vocational Education
Arnold Schwarzenegger • 5 лет назад • 2 273 просмотра
Governor Schwarzenegger discusses the value of vocational education from the Jack L. Schuetz Career Center in Bakersfield. ...

Is Britain's vocational education too narrow for its own good?
Westminster Business School • 8 месяцев назад • 94 просмотра
Professor Linda Clarke discusses why Britain's vocational education and training must improve. Speaker: Linda Clarke, Professor ...

Vocational Education Needs Expansion
TheStreet • Год назад • 253 просмотра
Vocational Education Needs Expansion.



5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Мавзу: Технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш методикаси (2 соат)

Амалий машғулотдан қўзланган мақсадлар:

Технология таълими йўналишида таҳсил олаётган тингловчиларнинг “Касб танлаш мотивини аниқлаш”, “Ўқувчиларни касбий йўналганлигини аниқлаш” ва “Касб танлашда типик хатоликлар” бўйича амалий кўникмаларини риволантиришдан иборат.

1. “Касб танлаш мотивини аниқлаш” методикаси.

Агар ўқувчида у ёки бу касбга майиллик ёрқин ифодаланган бўлса ва у муайян бир касбни танлаган бўлса, унда айнан шу касбни танлаш мотиви қандай эканлигини билиш зарурати ҳам юзага келиб қолиши мумкин. Бу ўринда психолог қуидаги «Касб танлаш мотивини аниқлаш» деб номланган методикадан фойдаланиши мумкин. Касбий мотивация-касб танлашга сабаб бўладиган аниқ рағбатлантирувчи ҳаракатдир.

Кўрсатма: Қуида келтирилган сўровнома саволларини диққат билан ўқиб, касб танлашда ўзингиз учун муҳим бўлган мотив (сабаб)ни аниқлаб олинг. Агар ушбу мотив Сиз учун аҳамиятли бўлса, у ҳолда жавоб варақасида савол ёнига (+) белгисини, аҳамиятзиз бўлса (-) белгисини қўйинг.

1. Касбнинг мазмунига қизиқиш, танланган касбда мутахассиснинг вазифалари нималардан иборат эканлигини билиш.

2. Танланган касб бўйича малака ва кўникмаларни ривожлантиришга интилиш.

3. Танланган касбнинг жамиятда нуфузга эга эканлиги.

4. Оилавий аноаналарнинг таосири.

5. Ота-онага моддий жиҳатдан қарам бўлмаслик.

6. Танланган касбий фаолиятга алоқадор бўлган ўқув фанларини мактабда яхши ўзлаштириш.
7. Одамларга раҳбарлик қилиш.
8. Якка тартибда ишлаш.
9. Ижодий фаолият билан шуғулланиш, янгилик яратиш орзуси.
10. Танланган касб сенинг қобилиятинга мос эканлигига ишонч ҳосил қилиш.
11. Моддий эҳтиёжингни қондириш имконияти.
12. Ҳаётингни тўлақонли, қизиқарли, мароқли бўлишига интилиш.
13. Мустақил фаолият кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги.
14. Тадбиркорлик фаолиятига қизиқиши.
15. Оиласа моддий ёрдам кўрсатиш зарурияти.
16. Иқтисодий билимларни эгаллаш истаги.
17. Мутахассислик қандай бўлишидан қатоий назар олий маолумот тўғрисида дипломга эга бўлиш истаги.
18. Узоқ муддат ўқиши талаб этадиган касбни эгаллаш истаги.
19. Нуфузли ташкилотда ишлаш истаги.
20. Касбни фақатгина моддий манфаатни кўзлаб танлаш.
21. Замонавий касблар (менеджер, бизнесмен, брокер)ни танлаш.
22. Одамларга фойда келтириш истаги.
23. Касбий фаолиятнинг моддий томонига қизиқиши.
24. Касбнинг фақатгина ташқи хусусиятлари (одамларнинг диққат марказида бўлиш, саёҳат қилиш имкониятига эга бўлиш, маҳсус кийимда юриш)га қизиқиши.

“Касб танлаш мотивлари” сўровномасининг натижаларини ҳисоблаш:

Хар бир устундаги “+” лар йифиндисини ҳисобланг. Қайси устунда “+”лар сони кўп бўлса, демак синалувчида айнан шу мотивнинг устунлигини англатади.

А – нуфузли касбни эгаллаш, жамиятда мавқега эга бўлишга интилиш мотивининг устунлиги;

Б - танланган касбдан моддий манфаатдорликка эга бўлиш мотивининг устунлиги;

В – танланган касбнинг ижод билан боғлиқлиги, янги технологияларни яратиш, зарур малака ва кўникмаларни эгаллашга интилиш.

ЖАВОБ ВАРАҚАСИ

A		B		B	
№	Жавоблар	№	Жавоблар	№	Жавоблар
3		5		1	

4		8		2	
7		11		6	
17		14		9	
18		15		10	
19		16		12	
21		20		13	
24		23		22	
Жами.		Жами.		Жами.	

2. “Ўқувчиларни касбий йўналганлигини аниқлаш” методикаси.

Ўтказиш тартиби. Қуйида Сизга ишда ва бўш вақтлардаги машғулотлар ва турли касбларга оид меҳнат вазифалари ҳақидаги 44 та савол ҳавола этилмокда.

Саволлар тартибланган бўлиб, жавоблар варақасидаги рақамларга ўзаро мос тушади. Сиз ўз қизиқишиларингизни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир саволга бўлган жавобингизни 1,2,3 ёки 4 балл микдорида баҳолашингиз лозим бўлади. Қўйиладиган балларнинг маоноси қўйидагича изоҳланади:

- Умуман қизиқарли эмас – 1 балл;
- Унчалик қизиқарли эмас – 2 балл;
- Қизиқарли – 3 балл;
- Жуда қизиқарли – 4 балл.

Саволлар ичида Сизга нотаниш бўлган бир қатор касблар ҳам келтирилган. Бундай ҳолларда Сиз: “Ушбу касблар ҳақида нималарни биласиз?” саволига тахминан жавоб беришингиз лозим. Узоқ ўйламанг. Кўпроқ ҳаёлингизга илк бор келган фикрларингизни жавоб варақасига туширинг.

Саволлар тўплами. Менга ёқади:

1. Ҳар хил машина ва механизм асбоблари билан ишлаш.
2. Метрода сайд қилиш.
3. Радиотехникага доир янгилик ва маолумотларни коллексия қилиш.
4. Бирор бир бино макетини тайёрлаш.
5. Уйдаги сув кранларини тузатиш.
6. Беморларни парвариш қилиш.
7. Қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш.



8. Ука-сингилларига ўқиш ва ёзишни ўргатиш.
9. Саҳнада рол ижро этиш.
10. Ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланиш.
11. Бизнес соҳасида ишлаш.
12. Радиотелеаппаратураларни таомирлаш.
13. Автомобилларни тузатиш.
14. Компьютерда ишлаш.
15. Қурилишда ишлаш.
16. Газ плиталарини тузатиш ва созлаш.
17. Беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш.
18. Экскаватор билан ариқ ва зовурларни ковлаш.
19. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлаш.
20. Мусиқа асбобларида куй чалиш.
21. Математик мисоллар ечиш ва ҳисоб-китоб қилиш.
22. Таом тайёрлаш ва безаш.
23. Машина қисмларини йифиши.
24. Транспорт воситаларини бошқариш.
25. Телефон алоқаларини бошқариш.
26. Фишт териш, сувоқчилик қилиш, қурилишда ишлаш.
27. Ободонлаштириш ишларида қатнашиш.
28. Дорихоналарда ишлаш, дори-дармонларни ўрганиш.
29. Ўрмон хўжалигига ишлаш.
30. Тўгарак ишларини ташкил қилиш.
31. Мусиқа тинглаш, рақсга тушиш.
32. Биржа янгиликлари билан танишиш.
33. Миллий ва европа таомларини тайёрлаш.
34. Металларни пайвандлаш ишлари билан шуғулланиш.
35. Самолётларга техник хизмат кўрсатиш.
36. Телефон тармоқларини созлаш.
37. Эшик ва ромларни ўрнатиш.
38. Электр-газ пайвандлаш ишлари билан шуғулланиш.
39. Касалликни олдини олиш чораларини билиш.
40. Мевали кўчатлар етиштириш, парваришилаш.
41. Болалар ва ёшларнинг бўш вақтларини ташкил этиш билан шуғулланиш.
42. Шеър ёдлаш, ифодали ўқиш.
43. Бозордаги нарх навони қузатиб бориши.
44. Ширинликлар тайёрлаш.

Саволларга жавоб бериб бўлганингиздан сўнг ҳар бир қатордаги саволларга берилган жавоб балларининг йифиндиси 2-устунга ёзилади. Йиғилган балларнинг энг юқорисига мос келувчи соҳанинг касбларига Сиздаги қизиқиши ва мойиллик даражаси юқори.

Жавоблар варакаси.

T/p	Савол №	Баллар йигиндиси	Касблар гурухи	Соҳалар
1	1 12 23 34		№1 гурух	Техника ва саноат
2	2 13 24 35		№2 гурух	Транспорт
3	3 14 25 36		№3 гурух	Алоқа
4	4 15 26 37		№4 гурух	Курилиш
5	5 16 27 38		№5 гурух	Уй.ж к.х.
6	6 17 28 39		№6 гурух	Тиббиёт
7	7 18 29 40		№7 гурух	Қишлоғмон х.
8	8 19 30 41		№8 гурух	Пед-ка
9	9 20 31 42		№9 гурух	Саноат ва мад.
10	10 21 32 43		№10 гурух	Ижт. Иқтисод.
11	11 22 33 44		№11 гурух	Савдо ум.овқат.

1-гурух. Техника ва саноат.

Сизда саноат соҳасига мансуб бўлган касбларга қизиқиш ва мойиллик мавжуд. Сиз самолёцозлик, энергетика, автомобилсозлик, геология, металлургия, кимё ва енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган касб-хунар коллежлари, шунингдек, математика, физика, кимё фанларини чукур ўрганишга йўналтирилган академик лисейларда таълим олишингиз мумкин.

2-гурух. Транспорт.

Сизда автомобилларни бошқариш, таомирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбларга мойиллик юқори. Шу боис Сиз транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган касблар тайёрлайдиган касб-хунар коллежларида ёки математика ва физика фанлари йўналишидаги академик лисейларда таҳсил олишингиз мумкин.

3-гурух. Алоқа.

Сизда алоқа билан боғлиқ касбларга мойиллик юқори. Сиз телекоммуникасия, радио, почта, электрон ускуналарни бошқариш, халқаро алоқа, телефон, телеграф ва бошқа соҳалар бўйича касбий тайёргарлик йўналишидаги касб-хунар коллежлари ва физика фанини чуқур ўргатувчи академик лисейларга ўқишга боришингиз мумкин.

4-гурух. Қурилиш.

Сизда қурилиш соҳасидаги касбларга қизиқиш мавжуд. Сизга қурилиш автомобиллари ва машиналарини бошқариш, санитария-техник тизимлар, темир-бетон маҳсулотлари ва конструксиялар, дурадгорлик каби касблар тайёрлайдиган касб-хунар таълимни муассасаларида ўқишга тавсия этилади.

5-гурух. Уй-жой, коммунал хўжалик.

Сизда сув, газ таоминоти, турар жой ва жамоат биноларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган касбларга қизиқиш мавжуд. Сиз уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳаси учун касблар таёrlайдиган касб-хунар коллежида ёки аниқ фанлар йўналишидаги академик лисейларда таълим олишингиз мумкин.

6-гурух. Тиббиёт.

Сизда соғлиқни сақлаш соҳасининг умумий амалиёт, стоматология, ортопедия, фармасия, тиббий оптика ва лаборатория ташхиси соҳаларидаги касбларга қизиқишингиз юқори. Тиббиёт йўналишидаги касб-хунар коллежида ёки кимё ва биологияга ихтисослашган академик лисейларда ўқишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

7-гурух. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги.

Сизга қишлоқ хўжалиги ва ўсимликшунослик билан боғлиқ бўлган касблар ёқади. Сизга қишлоқ хўжалиги техникаларини бошқариш, таомирлаш ва хизмат кўрсатиш, гидромелиорация, фермер хўжалиги, агрономия, зоотехника, ўсимликшунослик, чорвачилик соҳалари бўйича касблар тайёрлайдиган ёки биология фанини чуқур ўргатувчи академик лисейларда таҳсил олиш тавсия этилади.

8-гурух. Педагогика.

Сизда болаларни тарбиялаш, парвариш қилиш ва уларни қўллаб-куватлашга боғлиқ касбларга мойиллик мавжуд. Сиз мактабгача таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, бошланғич синflарда спорт ва мусиқа таълимига оид касбларга тайёрлайдиган касб-хунар коллежларида таълим олишингиз мумкин.

9-гурух. Саноат ва маданият.

Сизни тасвирий саноат, рассомчилик, хореография, театр ҳамда маданий оқартув ишлари қизиқтиради. Сизга маданият ва саноат йўналишидаги касбларга тайёрлайдиган касб-хунар коллежларида таълим олиш тавсия этилади.

10-гурух. Ижтимоий, иқтисодий соҳа.

Сизда молия, ҳисобчи, менежмент-маркетинг, банк, ҳуқуқшунослик, ёнғин хавфсизлиги, давлат автомобил назоратчиси, ижтимоий таоминот ва божхонага оид касбларга қизиқиш мавжуд. Сизга ижтимоий, иқтисодий

соҳадаги касб-хунар колледжларида ва аниқ фанлар ёки ижтимоий йўналишдаги академик лисейда таълим олиш тавсия этилади.

11-гурух. Савдо, умумий овқатланиш ва хизмат қўрсатиш.

Сизда умумий овқатланиш, савдо, хизмат қўрсатиш, радиотехника ва телевизорларни таомирлаш, майший газ ва машиналарни таомирлаш, кино-фототехника хизматлари қўрсатиш соҳаларига қизиқиш мавжуд. Сизга савдо, умумий овқатланиш ва хизмат қўрсатиш бўйича касбларга тайёрловчи касб-хунар коллежи ёки аниқ фанлар йўналишидаги академик лисейларда ўқиш тавсия этилади.

3. Касб танлашда типик хатоликлар.

1. Дўстларига эргашиб.

Кўп ҳолларда йигит ва қизларимиз ўзларининг қобилиятларини билмаган ҳолда дўстларига эргашиб кейинги таълим турларини танлайдилар. Бундай танлов жуда кам ҳолларда самарали бўлади, аникроғи тасодиф туфайли муваффақиятли бўлиши мумкин. Чунки касбни ўз имкониятлари ва қизиқишиларини инобатга олган ҳолда танлаш ўзини тўлиқ намоён қилиш ва танлов имкониятини беради.

2. Нуфузли касб танлаш.

Хозирда иқтисодчи, ҳуқуқшунос, менеджер, брокер, дилер каби касблар нуфузли ҳисобланади. Жуда кўп ўқувчилар бу касбларга қизиқадилар, лекин уларнинг ҳаммасида ҳам бу касб учун зарур бўлган сифатлар (юқори эрудиция, шижааткорлик, ғайрат, мулоқотчанлик, ишчанлик) бўлмаслиги мумкин.

3. Бирор бир фанни яхши ўзлаштиришни касб билан боғлаш.

Масалан, ўқувчи адабиёт дарсини яхши ўзлаштиради, шеор ва ҳикоялар ёзди ва журналист касбини танлайди. Лекин журналист касби эгаларидан турли вазиятларда сафарга чиқиши, турли фаолият турларини билиш ва мулоқотчанлик қобилияти талаб этиллади.

4. Ака-опаларининг касбини танлаш.

Оила аозоларнинг бир-бирига бўлган меҳри ҳам касб танлашга туртки бўлади. Масалан, ука учувчи бўлган акасига ҳавас қиласиди. Акасига бўлган меҳр уни ҳам учувчи бўлиш қарорига ундейди. Лекин бирор инсонни ёқтириш бошқа инсоннинг шу касбга мойиллиги борлигини билдирмайди.

5. Танланган касб ва меҳнат шароитининг саломатликка мос келмаслиги.

Ҳар бир касб турли даражада инсон организми ва у ёки бу аозоларини зўриқтиради. Шунинг учун ҳар бир касб учун мавжуд бўлган турли тиббий чекловлар ҳақида билиш зарур. Шу билан бирга касб танлаш бўйича қарор қабул қилинганда, ўзингизни соғлом деб ҳисобласангиз ҳам шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

6. Ота-оналарнинг босими остида касб танлаш.

Ота-оналар фарзандларининг эҳтиёжлари, қизиқишилари, қобилиятлари ҳақида унутмасликлари, уларни мажбурламасликлари, аксинча ёрдам беришлари ва уларни қўллаб-қувватлашлари керак.

7. Касбнинг имкониятлари ва меҳнат ҳақидаги тасаввурларнинг етарли эмаслиги.

Жамият ва техник ривожланиш билан боғлиқ бўлган касбнинг ривожланиш динамикасини билмаслик хатоликка йўл қўйишга олиб келади. Касбнинг замирида меҳнатнинг умуман ўзгача бўлган янги қўриниши яширган бўлиши мумкин. Доимо касбнинг замонавий қўриниши ҳақидаги билимларга эга бўлиш талаб этилади.

8. Ўзининг имкониятлари, қобилиятлари, мойилликлари ва касб танлаш мотивлари ҳақидаги билмаслик.

Бу бир қўринищда осон нарса эмас. Бундан ташқари кўпгина ўқувчилар ўзларининг камчиликлари ва заиф томонлари ҳақидаги билишдан чўчийдилар. Бунинг учун улар ҳақиқатни билиш учун ўзларида жасорат топа олишлари, ақл-заковатни ишга солиб хатоларни тузатишга интилишлари лозим. Битиравчининг ўзини англашида тенгдошлари, яқин инсонлари ва албатта касбга йўналтирувчи мутахассислар ёрдам берадилар.

6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Мавзу: Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, қўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторинги (2 соат)

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида меҳнат таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башпоратлаш методикасига оид кўнималарини ривожлантириш.

Вазифа: технология таълими ўқитувчининг касбий фаолиятидаги функцияларини берилган, унинг мазмунинизоҳланг!

1. Гностик -
2. Лойиҳалаш –
3. Конструкциялаш –
4. Диагностик –
5. Прогностик –
6. Коммуникатив –
7. Ишлаб чиқариш-технологик –
8. Ташкилотчилик –

Касбий-педагогик фаолиятда назорат қилиш ва баҳолашга оид юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари

Савол:

Баҳонинг объективлиги, айрим ўқувчилар меҳнати натижаларини таққослаш имконини берувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари (буюмнинг аниқлиги, буюмлар миқдори ва ҳоказолар)га асосланади. Баҳонинг ягона талаблар асосида қўйилиши ҳам унинг объективлигидир. Ана шу талаблар мазмунини баён қилинг?

1. Ишлари аниқлиги. Аниқлик – ҳар қандай маҳсулотни, шу жумладан, тикувчилик саноати маҳсулотларини тайёрлашга қўйиладиган талабдир.

2. Вақт меъёри. Меъёрлаш хусусида меҳнат топшириғини бажаришни вақт бўйича чегаралаш ўқувчилар меҳнат операцияларини бажариш усулларини эгаллаб олганларидан кейин амалга оширилиши керак. Бунда ўқувчилар бир йўла ҳам ишнинг сифатли бажарилишини кузатишни, ҳам уни маълум муддатда бажаришга интилишни уddyalай олмаслиги ва таълимнинг биринчи босқичида вақт меъёри киритилса, миқдор кўрсаткичлари сифат ҳисобига ортишидан келиб чиқади.


3. Ўқувчиларнинг билимлари. Ўқувчиларнинг амалий ишлари уларнинг билимларига асосланиб ташкил қилинади. Шу сабабли уларнинг фаолиятини баҳолашда ўқувчилар дастур материалини қандай ҳамда ва қанчалик чуқур ўзлаштирганини ҳисобга олиш керак.

4. Меҳнат усулларини тўғри бажарии. Ўқувчилар асбобни ушлаш, иш ҳолатида туриш, асбобнинг ишлов берилаётган сиртга нисбатан қандай ҳолатга тутиш ҳақидаги кўрсатмаларни қатъий бажаришлари керак. Меҳнат усулларини тўғри бажариш кўнималари ўқитувчи томонидан баҳоланади.


5. Иш ўрнини тўғри ташкил қилиши. Ишлаб чиқаришда иш ўрнини тўғри ташкил меҳнат унумдорлигини оширади. Ўқувчилар меҳнат маданиятининг савияси кўпроқ ўз иш ўрнини тўғри ташкил қила олишига боғлиқдир.

6. Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши. Агар ишнинг хавфсизлигини таъминловчи қоидалар бузилса, жароҳатланиш хавфи туғилади. Жиҳозлар ва асбобларни ишлатишдаги меҳнат усуллари ва ҳоказоларни бажаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузган ўқувчиларнинг баҳосини пасайтириш керак.

**Топшириқ! Назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий компонентлари
мос ўринларга жойлаштиринг?**



Назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий компонентлари



V. ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Мазмуни
Узвий алоқадорлик –	ўқув жараёнининг бир компонентидан иккинчисига йўналган бир томонлама алоқадорлик тушунилади.
Ўргатиш –	ўқитиш мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти
Ўрганиш –	англаш, машқ қилиш ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгарилиши
Ўқитиш –	қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан ўқувчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати
Таълим –	ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, компетенсия ва фикрлаш усуллари тизими
Кўникма –	эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш
Малака –	автоматлашган, бирор бир усул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси
Компетенция –	тугалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш лаёқати
Мазмун –	ўқитиш жараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими
Мақсад –	ўқитишининг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши
Парадигма –	аниқ вақт доирасида илмий жамоатчиликка муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш модели сифатида тақдим этиладиган барча илмий ютуқларга тегишли тадқиқот вазифаларини ҳал этиш намунаси сифатида қабул қилинган назария
Шакл –	ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик.

Метод –	ўқитишининг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли
Восита –	ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган объект.
Натижаси –	ўқув жараёнининг сўнгти маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси
Маълумот -	таълим-тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўн икма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир. Инсоннинг шахс сифатида шаклланishi, тарбияланиши ва таълим олиши педагогик жараёнда содир бўлади
Махорат –	бу мураккаб ишни тез, аниқ бажаришнинг енгиллиги, меҳнатнинг юқори сифати ва барқарор маромидир
Педагогик жараён –	педагогик категориялардан бири бўлиб, маълум бир мақсадга йўналтирилган катталарнинг педагогик фаолияти таъсирида ташкилий шакллантирилган ва мазмунан бойитилган ҳамда “...тарбиячининг йўналтирувчи ва олиб борувчи раҳбарлик роли натижасида тарбияланувчининг ўз-ўзини тараққий эттиришидир”
Педагогик фаолият-	эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий каби мақсадларга мувоғиқ равишда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг ақлан ўйлаб кўрилган, катта ёшдагиларнинг ижтимоий зарур бўлган меҳнатининг ўзига хос туридир
Маълум ўқув предмети доирасида узвийлик –	шу ўқув предмет бўйича назарий материални мунтазам ва кетма-кет ўрганиш, унинг лаборатория ва амалий машғулотлари ҳамда мустақил ишлари мазмуни билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш
Ўз-ўзини баҳолаш–	мавжуд фазилатлари, хатти-ҳаракати, хулқ-атворини таҳлил қилиш асосида ўз шахсига баҳо беришга йўналтирилган фаолият методи
Ташкил этиши –	қўйилган мақсадни самарали амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартиблangan дидактик жараён
Фанлараро алоқадорлик -	ОТМ фанлари таркибида амал қиласидиган объектив ўзаро алоқаларни акс эттиришни таъминлайдиган дидактик шартлардан биридир

Инновация-	янгилик, янгилик, ўзгаришни англатади; инновация восита ва жараён сифатида янги нарсани киритишни ўз ичига олади. Педагогик жараёнда инновация ўқитиш ва тарбиялашнинг мақсади, мазмуни, усуллари ва шаклларига янгиликларни киритишни, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргалиқдаги фаолиятини ташкил этишни назарда тутади
Силлабус –	бу таълим олувчилар учун ўқув фани ишчи дастурининг қисқача мазмуни бўлиб, унда ўқув фанининг мақсади, вазифалари ҳамда таълим олувчиларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топади
ECTS –	олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг демократик тизимиdir

VI. ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимиизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимииздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

III. Maxsus адабиётлар

19. Muslimov N.A., Sharipov SH.S., Qo‘ysinov O.A. Mehnat ta’limi o‘qitish metodikasi, kasb tanlashga yo’llash. Darslik. – Toshkent: TDPU, 2014. 389 b.

20. Olimov Q.T., Axmetjanov M.M., Uzoqova L.P., To`xtayeva Z.Sh. Kasbiy pedagogika. - O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi - Т.: «Fan va texnologiya», 2018. – 495 bet.

21. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Ањанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

22. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

23. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

24. Муслимов Н.А., Муталипова М.Ж., Абдуллаева Қ.М. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлигини шакллантириш технологияси. Методик қўлланма. – Т.: 2014.

25. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.

26. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
27. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
28. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрланлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
29. Ҳамидов Ж.А Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитувчининг замонавий дидактик ва оситалярини яратиш ва қўллаш технологияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2017. 70 б.
30. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.– 264 б.
31. Radha Mohan. TEACHER EDUCATION. Published by Asoke K.Ghosh, PHI Learning Private limited, Rimjhim House, 111, Printed by Mudrak, 30-A, Delhi-110091/ ISBN-978-81-203-4382-5, India, 2013.

IV. Интернет сайклар

32. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
33. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси
34. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
35. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
36. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси